ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ПАХТАСИ 4.000.000 ТОННАГА ЕТДИ

● ЎТГАН шанба куни бўлиб ўтган ёғингарчилик туфайли пахтакорнинг иши янада тиғизлашди. Вилоят деҳқонлари қўшимча имкониятларни ишга солиб терим суръатини яна ошириб бормоқдалар. 8 октябрь куни вилоятимизда йиллик режанинг 3,61 фоизи миқдорида пахта тайёрланди. Қабул пунктларига 12 минг 723 тонна хом ашё жўнатилди. Далаларда ишлатилган 2598 машинанинг ҳар бирида ўртача 4,7 тоннадан «оқ олтин» териб олинди.

● КУНЛИК СУРЪАТДА ЎРТА ЧИРЧИҚ, БЎКА ВА ҒАЛАБА НОҲИЯЛАРИ ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛИШМОҚДА. ЎТГАН КУНИ БУ НОҲИЯЛАРНИНГ ДЕҲҚОНЛАРИ 4 ФОИЗДАН ОШИРИБ ПАХТА ТОПШИРДИЛАР. КОММУНИСТИК ВА ЎРТА ЧИРЧИҚ НОҲИЯЛАРИДА, АЙНИҚСА, ТЕРИМ МАШИНАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА. ҲАР ИККИ НОҲИЯДА ҲАМ БИР МАШИНАНИНГ ИШ УНУМИ 6 ТОННАДАН ОШИБ КЕТДИ.

● ҚАДРЛИ ПАХТАКОРЛАР! Куз ҳавосига ишониб бўлмайди. Ҳозирги қуёшли кунларнинг ҳар дақиқасидан оқилона фойдаланиб, даладаги ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай тезроқ йиғиштириб олайлик.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 193 (9839). ● 1990 йил 10 октябрь ● чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

ҲАР БИРИДА — 100 ТОННАДАН

ЎРТА ЧИРЧИҚ. (Жамоатчи мухбиримиз С. Қурбонқулов телефон орқали хабар қилди). Ноҳия пахтакорлари вилоятда кунлик суръатни таъминлашда ҳақиқий намуна бўлишмоқда. Бунинг бош омили терим машиналаридан самарали фойдаланилаётганлигидир. Ҳозиргача ноҳия бўйича тайёрланган 33 минг тонна «оқ олтин»нинг 30 минг тоннаси агрегатлар бункеридан тўкилди. Ҳар бир машинада ўртача 100 тоннадан «оқ олтин» териб олинди. Машина терими режаси бажарилган бўлса-да, даларда 280—290 терим агрегати тўла қувват билан иш лаб турибди.

Бу йил асосий ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилган Охунбобоев номли, Ким Пен Хва номли, К. Маркс номли, А. Икромов номли, «Ленин йўли» колхозларида кунига ҳар бир машинанинг иш унуми 6 тоннадан ошаяпти.

Бугун ноҳия механизаторлари ҳақида гап борар экан, ўз машиналари бункеридан 200—230 тонна пахта тўккан Алижон Холмирзаев, Анатолий Ким, Обид Жонзоқов, Абдусамад Мирзабековларнинг номларини алоҳида таъкидлаш керак. Бу азаматлар мавсум охиригача яна 30—40 тоннадан пахта териб бериш учун курашмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 8 октябрда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми иш бошлади. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Мамлакатдаги аҳвол ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасида КПССнинг вазифалари тўғрисида.

2. Ташкилий масалалар.

Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев кириш нутқи сўзлаб очди.

Биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко маъруза қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитети котиби А. С. Дзасоховнинг партия XXVIII съездидан кейин ўтган давр мобайнида КПСС Марказий Комитети Секретариатининг иши тўғрисидаги ахборотини ва КПСС Марказий Комитети котиби О. С. Шенининг КПСС Марказий Комитетининг комиссиялари ва аппарати тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Пленум ишида КПСС Марказий Назорат Комиссиясининг аъзолари, шунингдек КПСС Марказий органлари таркибига кирмаган мухтор жумҳуриятлар, ўлка, вилоят ва округ партия комитетлари биринчи котиблари, КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари, олимлар, партия газеталари ва журналларининг муҳаррирлари, баъзи идоралар ва ташкилотларнинг намояндалари қатнашмоқдалар.

Музокараларда Ярославль вилоят Рибинск моторсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби С. А. Қалинин, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат дорилфунуни партия комитетининг котиби И. И. Мельников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко, Свердловск инженер-педагогика илмгоҳининг доценти Б. П. Гуселетов, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Қамай, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм илмгоҳининг шўъба мудири, КПССдаги Демократик ҳаракат дастури ислоҳотчи коммунистлар секцияси ташкилот бюросининг аъзоси В. С. Липицкий, ТАСС бош директори Л. П. Кравченко, РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков, Доғистон АССРдаги Оржоникидзе номли жамоа хўжалигининг раиси М. А. Чартаев, СССР Олий Советининг аъзоси, ёзувчи Р. А. Медведев, Қозоғистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси У. Караманов, КПСС Марказий Комитетининг котиби, Ленинград вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. В. Гидаспов, Литва ССРдаги «Тверячюс» колхозининг тракторчиси А. К. Моркунас, Ўзбекистон Компартияси Хоразм вилоят комитетининг биринчи котиби Р. М. Худойберганова, П. С. Батурин номидаги Иваново химия заводининг аппаратчиси В. Я. Демин, СССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг раиси М. Ф. Ненашев, Свердловск вилоят партия комитетининг биринчи котиби В. Д. Қадочников, Украина ССР Чернигов ишлаб чиқариш-савдо тўқимачилик-тикувчилик бирлашмасининг ип йигирувчиси Р. И. Савина, Горький қишлоқ хўжалиги илмгоҳининг доценти А. Н. Мальцев, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. М. Масалиев, Бурятия жумҳурият партия комитетининг биринчи котиби Л. В. Потапов, Қалмиқ жумҳурият партия комитетининг котиби В. Х. Бамбаев, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг котиби, Эстония Компартияси Морской район комитетининг биринчи котиби А. А. Гусев сўзга чиқдилар.

Пленумнинг қарорини тайёрлайдиган таҳрир комиссияси тузилди.

9 октябрь куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттиради.

90 фоизи биринчи навга сотилди

ПИСКЕНТ. Ноҳиядаги Калинин номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил йиғим-теримни ташкил этишда ҳақиқатан ҳам ибрат бўлишмоқда. Карвонбошилик қилаётган хўжалик ўтган куни дастлабки довондан ошди. Давлатга 2250 тоннадан зиёд пахта топширилиб, йиллик режа бажарилди. Энг муҳими жамоа хўжалигида ҳозиргача сотилган ҳосилнинг 90 фоизи фақат биринчи сортга қабул қилинди.

Эркин Ҳамдамов, Абдураҳмон Туронов, Деҳқон Икромов бошчилик қилаётган бригадаларда гектаридан 28—31 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Зиёвуддин Исомов, Ҳошим Номозбоев, Ўроз Пўлатов сингари механик ҳайдовчилар мавсумда 100—130 тоннадан пахта териб, хирмонга барака киритдилар.

Хўжаликда терим суръатининг юқори бўлишига дала меҳнаткашларига, кўпмингкилограммчиларга ва механизаторларга яратилган яхши шароит, уларни ўз вақтида моддий рағбатлантириб борилаётганлиги асосий омил бўлмоқда. Яна бир ибратли факт. Ўтган йилларда терим даврида хўжаликка 1,5 мингдан ортиқ ҳашарчи жалб этиларди. Бу йил пахтакорлар барча ҳосилни ўз кучлари билан териб олишга аҳд қилишди.

Т. ҚОСИМОВ.

● Бўкадаги «Ленинизм» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи Эргаш Умаров, партком котиби Абдукарим Мўминов ва онлавий пудратчилар бошчиси Абдували Турсуновлар ҳосилнинг чўғини чамалашяпти (юқорида).

● Бўка ноҳиясидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигининг Деҳқонбой Жуманазаров бошлиқ бригадаси 49 гектар ердан 27,5 центнердан ҳосил олиб режасини бажарди. Пахтакорлар шу кунларда ҳосилдорликни 36 центнерданга етказиш учун ҳаракат қилишмоқда. Суратда: теримчилар Ҳалима Облақулова, Ҳалима Қобилова, Сурайё Жўрабекова, Гулчеҳра Комиловалар Деҳқонбой Жуманазорв билан суҳбатда.

Суратчи Ж. ҲАМРОҚУЛОВ.

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

Вилоятимиз ноҳияларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 9 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — ноҳиялар; иккинчи устун — бир кунда тайёрлангани, учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машина терими бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Коммунистик	3,69	86,09	4,29	102,97
Ўрта Чирчиқ	4,49	81,90	5,65	100,32
Бекобод	2,31	77,88	2,37	79,31
Оққўрғон	3,44	76,17	4,11	84,01
Бўка	4,15	75,06	5,12	85,17
Пискент	3,82	73,34	4,35	72,01
Чиноз	3,26	71,64	4,02	65,82
Ғалаба	4,09	71,48	4,52	82,63
Янгийўл	3,37	60,24	3,83	59,99
Вилоят бўйича:	3,61	75,27	4,06	79,05

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КИРИШ НУТҚИ

Бироз одатдан ташқари таклиф бор. Биринчидан, Пленумни шундай тарзда ўтказайликки, уни икки кунда тугаллашга улгурайлик. Икки кун деганимнинг сабаби нима? Чунки Пленум арафасидаёқ одамларнинг шу масалалар юзасидан фикр билдириш истаги катта экани маълум бўлди. Зеро, биринчи масаланинг аҳамиятига кўра, бу хусусда шошилишга йўл қўйиб бўлмайди, бунинг устига иккинчи масала ҳам бор.

Яна бир таклиф. Пленумда масалаларнинг бутун мажмуи хусусида, бозор муносабати билан КПССнинг тутадиган мавқеи ҳақида ҳам, Марказий Комитетнинг иши тўғрисида ҳам боражагини эътиборга олиб, биринчи масала юзасидан ўртоқ Ивашконинг маърузаси тугаши билан ўртоқ Дзасоховга Марказий Комитет Секретариатининг XXVIII съездан кейин ўтган даврдаги иши ҳақида ва ўртоқ Шенинга КПСС Марказий Комитетининг комиссиялари ва аппарати ҳақида ахборот тақдим этишлари учун сўз бериб, шундан сўнггина ҳаммасини бирга муҳокама қилиш мумкин бўлур эди.

Чамаси, ўртоқларга бу тартиб ҳозирги пайтда жуда зарур бўлган бутун ахборотни назарда тутиш имкониятини берган бўлур эди.

Ўртоқ Ивашкога сўз берилишидан аввал мен ҳам қисқача кириш нутқи тарзида, ижозатингиз билан сизларга баъзи гапларни айтиб ўтмоқчиман. Мана бунда!! тўрт босқичли система таклиф этилади. Кириш нутқи учун 20 минут, Дзасохов билан Шенин ўртоқларнинг ҳар бирига — 15 минутдан, маърузачига бир соатгача вақт берилиши назарда тутилади. Шундайми, Владимир Антонович? Шундан кейин музокарада сўзга чиқувчиларга 10 минутдан. Иш тартиби юзасидан айтишим мумкин бўлган гап мана шу.

Нима дейсизлар, ўртоқлар, қандай саволлар бор?

Овоз. Қўшиламиз.

М. С. Горбачев. Илгари силжийверсак бўладими? Кейин кўрамиз. Дуруст, ундай бўлса, таклиф этилган тартибни қабул қиламиз.

Биз кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга ўтишдан ва маърузачига сўз беришдан аввал баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишга рухсат этгайсизлар.

Кун тартибида партиянинг вазифалари эсга олинганлиги тасодифий ҳол эмас. Ўтган ойларда биз мамлакатда вужудга келган вазиятни таҳлил этишга кўп эътибор бердик. Биз масъулият билан танқидий ёндашиш туфайли келажак учун йўл-йўриқларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Бу ўринда партия XXVIII съездининг қарорларини ва бошқа қарорларни назарда тутяпман.

Назаримда, Марказий Комитетнинг ушбу Пленумида партиянинг ҳозирги вазият муносабати билан қиладиган ишларига бутун диққат-эътиборни қаратиш лозим. Ҳозир биз учун энг муҳими — партия ташкилотларининг, партия комитетларининг, барча коммунистларнинг фаолиятини амалий ишларга, енг шимариб қилинадиган юмушларга қаратишдан иборат. Коммунистлар оммасининг кайфияти мана шундайлигини ва энг муҳими — умуман жамиятдаги кайфият ҳам мана шундайлигини ҳаммамиз сезиб турибмиз ва сизлар буни тасдиқласангиз керак.

Съезд арафасида аниқ сиёсий йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги масала ўткир қилиб қўйилган эди. Энди мана шундай йўл-йўриқлар бор, ҳаракат қилавериш лозим. Бу жуда жиддий иш. Партия мамлакат учун қийин, бурилиш даври бўлган мана шу пайтда ўзининг сиёсий кучгайратини ва ўз имкониятларини ҳатто муҳим бўлса ҳам, аммо жузъий муаммоларга, мавқелардаги ихтиёрсизликларни аниқлашга исроф қилишига, ички партиявий масалаларга ўралашиб қолишига биз йўл қўя олмаймиз. Акс ҳолда у омма орасидаги обрў-эътиборидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Партиянинг ўзи, унинг ҳозирги куни ва келажаги учун ҳам, аввало буюк ишимиз — қайта қуришимиз нуқтаи назаридан ҳам бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Агар қиёслаш керак бўлса, биз бошдан кечираётган даврни йигирманчи йилларда янги иқтисодий сиёсатга ўтиш даври билан таққослаш мумкин. Ўша пайтдаги каби ҳозир ҳам жамият бурилиш маррасида турибди. Янги иқтисодий сиёсат коммунистлардан тафаккур шаклини, фаолият усулларини тубдан ўзгартиришни талаб қилган эди. Ўша пайт партия учун энг оғир синовлардан бири бўлган эди. Кўп кишилар ўша пайтда Ленин режасининг чуқурлигини, унинг инқилоб тақдири учун бўлган аҳамиятини тушунмаганликлари, энг яхши ҳолатда ҳам янги иқтисодий сиёсатни тактик бир юриш деб идрок этганликлари ҳам, коммунистларнинг бир қисми, шу жумладан партия раҳбарияти орасидаги баъзи кишилар эса янгича ёндашувни умуман рад қилганликлари ҳам — мана шуларнинг ҳаммаси мамлакат учун ва социалистик ғоянинг обрўси учун оғир оқибатларга олиб келди. Биз бунинг ўрнини энди яхши биламиз.

Аслида КПСС тарихнинг ҳозирги босқичида ҳам мана шундай миқёсдаги синовга дуч келди. Партиянинг мамлакатнинг идора қилувчи партия мавқеини сақлаб

(Давоми иккинчи бетда).

● *ОБУНА—91* ● ● *МУЛОҚОТ* ●

Фрунзе ноҳияси ошхоналар трести:

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА МИНГ КИШИ ЁЗИЛДИ

«Тошкент ҳақиқати» рўзномасига нафақат вилоят шаҳар ва ноҳиялари, балки пойтахтимиз аҳолиси ҳам фаол ёзилаётганликлари ҳақида хабарлар келиб турибди. «Союзпечать»нинг Фрунзе ноҳия обуна қилиш пункти катта инструктори Ҳалима **АЛИМОВА** билан телефондаги мулоқотимиз бизни хушнуд этди.

— Ноҳиямиз аҳолиси одатда рус тилидаги рўзнома ва ойномаларга кўпроқ ёзилишади, — деди у. — Бу йил ҳам аксарият «Известия», «Комсомольская правда», «Вечерний Ташкент» каби нашрларга обуна бўлишмоқда. «Тошкент ҳақиқати»ни ҳам муштарийлар севиб ўқишининг гувоҳи бўлаяпмиз. Биргина **Фрунзе ноҳия ошхоналар трести жамоасининг ўзидан бу рўзномага мингдан ортиқ одам обуна бўлди.** Ноҳия даражасида бу жуда катта кўрсаткич.

Трест ташкилий бўлим бошлиғи **Рауф ҲАКИМОВ** бу хушхабарни тасдиқлаб қўшимча қилди:

— Чиндан ҳам жамоамиз аъзолари «Тошкент ҳақиқати»га ўтган йилдаги каби уюшқоқлик билан ёзилишмоқда. Сабаби бу рўзномани бизда севиб мутолаа қиладилар. Унга ёзиладиганлар сони яна ортиб боради, зеро, обуна мавсуми ҳали давом этмоқда.

Ҳимматингизга балли, азиз муштарийлар!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ!

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1991 йил газета ва журналлари учун обуна 31 октябрга ча давом этади. Келаси йилда ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун қабул қилинади.

Эслатиб ўтамиз: газетанинг обуна баҳоси 1 йилга — 15 сўм 60 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КИРИШ НУТҚИ

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

қолиш қобилияти, қолаверса унинг тарихий тақдири ҳам мамлакат бозор иқтисодиётига ўтаётган, кўп миллатли давлатимиз ислоҳ қилинаётган, жамиятнинг янги сиёсий тузилмалари вужудга келтирилаётган шароитда партия қандай иш тутишига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Энг муҳими эса — жамиятимизда партиянинг таъсири ва аҳамияти зўрлиги сабабли ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ бўлади. Бу хусусда турли фикрлар борлигига, партиянинг аҳамиятини пасайтириш ёки уни қийин аҳволга солиб қўйиш муддаосини кўзловчи бир қанча мулоҳазалар ҳам борлигига қарамай, партия жамиятимизда зўр таъсир ва аҳамиятга эга бўлиб турибди.

Хўш, партиянинг замон даъвати даражасида бўлишига нималар кўпроқ халақит бераяпти? Ҳамма бало — эскича тафаккурнинг асоратидир. Айни мана шуни мен партияга аниқ таҳлика солаётган хавф деб биламан. Жамиятда пишиб етилган ўзгаришларни қилиш равшан кўринган бир пайтда ташаббусни бой бериб қўйиш хавфи бор. Табиатдагина эмас, жамиятда ва сиёсатда ҳам бўш жой бўлмаслиги маълум. Айниқса партиянинг мавқеи заифлиги сезилиб турган жойларда уни қисиб қўйишга, жамиятимизнинг сиёсий турмушини бошқа мазмун билан тўлдиришга уринишлар бўлаётганини ҳозирнинг ўзидаёқ сиз билан биз кўриб турибмиз.

Партиядаги баъзи ўртоқларимизнинг онгида жамиятда рўй бераётган ҳозирги чуқур ўзгаришлар қандай қилиб бўлмасин барибир ўзига йўл очиб олиши лозим бўлган тарихий тамойилнинг намоён бўлиши деб идрок этилаётгани йўқ. Ҳозир рўй бераётган воқеалар уларнинг назарида ўзбилармонликнинг, янглишишлар, хатоликларнинг, ҳатто кимларнингдир ғаразли ниятлари оқибати бўлиб туюлмоқда. Бу — нотўғри, ўртоқлар. Кўп ишларни бошқача, яхшироқ қилиш мумкинлигини, қайси бир ишларда янглишганимизни энди кўриб турибмиз, албатта. Аммо бу бурилиш ўз-ўзидан муқаррар эди. Ҳа, муқаррар эди. Мамлакат ортиқ бундай яшай олмас эди. У туб ўзгаришлар йўлига кириши керак эди.

Мен мана шу марказий масалани — айни бурилиш зарурлигини чуқурлаштиришни бу галги Пленумнинг вазифаси деб биламан. Иккиланишларни бартараф этиб, мана шундай тушунча асосида, партия XXVIII съезди қабул этган тақдирга дахлдор қарорлар асосида коммунистларнинг амалий ишини чуқурлаштириш кераклигини қатъий қилиб айтмоқ керак.

XXVIII съездда КПСС бозор иқтисодиётига нисбатан аниқ ва равшан фикр билдирди. Кенг мунозара, жиддий илмий таҳлил асосида шундай қилингани эсингиздадир. Неча ўн йиллар давомида ўрнашиб қолган сийқа усуллар ва ақидаларни қайта кўриб чиқишимиз, ўзгармас деб ҳисоблаб келинган кўпгина нарсаларни улоқтириб ташлашимиз лозим. Ўтмишдаги бутун мафкурамиз социализмни бозорга қарши деб талқин этиб келди, бозорни тан олишни эса социализмга суиқасд деб ҳисоблар эди. Дарҳақиқат, биз социализмга қасд қилаяпмиз. Аммо тўғраларча тузиб қўйилган мамлакат 1917 йилда бошлаган йўлдан уни тойдириб юборган социализмга қасд қилаяпмиз.

Ҳозир, бозор муносабатларига ўтиш жараёни равшанлашиб бораётган, унга энг мақбул тарзда ўтиш йўллари изланаётган, фикрлар тўқнашуви рўй бераётган бир пайтда партия ҳам ўзининг бутун ижодий ва сиёсий имкониятларини съезд қарорлари руҳида шу жараёнга кўмаклашишга, ўзининг омма орасидаги иши орқали меҳнаткашларнинг кенг қўллаб-қувватлашини таъминлашга буриб юбориши лозим.

Марказий Комитет Пленумида жамиятимиз учун ҳаётий муҳим бўлган мана шу масаланинг муҳокамаси айни шу йўлдан боради, деб ўйлайман. Бу мунозара бизнинг ўрнимиз ўтмишдаги бутун ижтимоий сиёсат ва ижтимоий ҳаётимизга эгадирки, ҳозир бозорга ўтиш дастурини тайёрлаш ҳал қилувчи босқичга кирди. Бу дастурда турли лойиҳалар ва таклифларда баён этилган жамики ижобий фикрлар мужассамлаштирилади. СССР Олий Кенгашининг қарорларига мувофиқ бу иш мамлакат Президентининг раҳбарлигида олиб борилаётганлиги маълум. Бунда гап ўткир жиҳатлар сийқаланган ва фикрлар дудмаллаштирилган қандайдир муросавий ҳужжат ҳақида эмас, балки жамиятнинг барча табақаларини, ҳамма иттифоқдош, мухтор жумҳуриятларни, жамоат ташкилотлари ва сиёсий оқимларни жипслаштиришга қўмаклашадиган дастур ҳақида бораяпти. Умуман шу дастур негизида жамиятимизнинг барча ватанпарвар кучлари жипслаштирилади.

Бозор хусусидаги нотўғри фикрлар ва қўрқувлардан халос бўлишда жамиятга ёрдам беришни партиянинг энг муҳим вазифаларидан бири деб биламан. Зеро, ҳақиқатан ҳам, гўё бозорга ўтиш — меҳнаткашларнинг манфаатларига хиёнат қилиш ва капиталистик жабр-зулмни қайта тиклаш бўлади, деган қабилдаги турли-туман уйдирмаларга қўшилиб бўлмайдику, ахир. Ҳолбуки, ҳатто коммунистлар орасида ҳам мана шундай тасаввурлар мавжуд.

Албатта, бозорга ўтиш ҳазилакам иш эмас. Бунда гап жамиятнинг бутун турмуш тарзини ўзгартириш ҳақида бормоқда. Айниқса, муаммолар тўлиб-тошиб ётган, тарихий, руҳий, миллий, иқтисодий хусусиятлари ва имкониятлари жуда хилма-хил бўлган бизнинг мамлакатимизда шундай қилишга тўғри келмоқда. Бу ўтишни фақат инсоннинг манфаатлари тақозо этаётганини ва унинг мақсади — инсонга хизмат қиладиган самарадор иқтисодиётни вужудга келтиришдан, истеъдодли, меҳнатсевар кишиларни рағбатлантириш, меҳнат натижаларидан юксак манфаатдорлик шароитини яратишдан иборат эканини тушуниш муҳимдир. Бозор иқтисодиёти йўли билангина биз фақат буйруқ асосида ишлаш, тайёрга айёрлик ва текисчилик, ҳукмронлик ва тақчиллик иллаларидан узил-кесил халос бўла олишимиз энди биз учун равшан бўлиб қолди. Ўша иллат оқибатида ноҳақ йиғимлар, порахўрлик, чайқовчилик ва пинҳоний иқтисодиётнинг бошқа кўринишлари кенг тарқалган эди.

Бозор шароитида ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша деган социалистик қоидани амалга ошириш имкониятлари очилади. Ҳозирги замон бозори қонун ҳужжатлари ёрдамида, ижтимоий кафолатларнинг, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг кенг системаси кўмагида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солишни назарда тутади. Аниқроқ қилиб гапирадиган бўлсак, янги ижтимоий сиёсат юритишни назарда тутади. Бир хил иқтисодий модель учун битта иқтисодий сиёсат керак бўлган эди, бошқа бозор иқтисодиёти модели учун эса янги ижтимоий сиёсат керак. Бинобарин, коммунистлар бозорга ўтиш сиёсатини амалга оширишга соф виждон билан киришишлари керак.

Одамларни мулкчилик масаласи ташвишга солмоқда. Мулкка давлатнинг ҳукмронлиги ва бу ҳукмронлик мулкни эгасиз қилиб қўйганлиги, ишга ва хўжалик соҳасида ташаббускорликка қизиқтираётган омилларга путур етказаётганлиги ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги қўпгина кулфатларимизнинг сабабидир, деган фикрга ҳамма қўшилади. Мулкчиликнинг шакллари хилма-хил бўлиши зарурлиги тушунуб турилибди. Аммо иш аниқ соҳага бориб тақалганида тушунмаслик, ҳатто эътироз пайдо бўлмоқда. Кўп кишилар мулк давлат ихтиёридан чиқарилиши натижасида, пинҳоний иқтисодиёт товдамачилари, янги бойваччалар қўлига ўтиб кетади, деб чўчимоқдалар. Мен партиянинг вазифасини мулкчилик муносабатлари соҳасида режалаштирилаётган ислоҳотларнинг ҳақиқий маъносини халққа тушунтириб беришдан иборат деб биламан. Мулкни давлат ихтиёридан чиқариш жараёнида меҳнаткашларнинг қатнашувини таъминлайдиган пухта кафолатлар кўзда тутилишини кўрсатиб бериш керак. Аввало меҳнат жамоаларининг ўзлари корхоналарнинг эгалари бўлиб қолишлари керак. Бозорга ўтиш дастурига айни шу ёндашиш асос қилиб олинган. Энергетика ва ёқилғи саноати, транспорт ва алоқа, иқтисодиётнинг мудофаа сектори ва шу каби энг асосий тармоқлар эса давлатнинг назоратида қолади, албатта.

Ерга бўлган мулкчилик — жуда катта ижтимоий аҳамиятга молик муаммодир. Партия қишлоқдаги ишлаб чиқариш ва хўжалик юритишни ташкил қилишнинг турли шакллари тарафдори бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай. Биз қишлоқни ободонлаштириш, уни зарур техника ва воситалар билан таъминлаш вазифаси зудлик билан ҳал қилиниши тарафдоримиз. Бу фикр Марказий Комитетнинг 1989 йил март Пленуми қарорларида ва XXVIII съезднинг дастурий баёнотида жуда тўлатўкис ифодалаб берилган. КПСС қишлоқда ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишнинг турли шакллари тарафдори бўлиб келди ва ҳозир ҳам шунинг тарафдоридир. Ер хусусида шуни айтиш керакки, узоқ муддатли ижара ундан фойдаланишнинг энг самарали шакларидан бири бўлиб, бу шакл инсонни ернинг хўжайинига айлантириш имкониятини беради. Бунда ер участкаларини ва ишлаб чиқариш воситаларини мерос қилиб қолдириш, муайян шароитларда эса ижара ҳуқуқларини ҳам жорий этиш мумкин бўлади.

Ерда хўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари тарафдори эканлигимиз бизнинг принципиал ёндашувимиздир, деган гапни яна бир бор таъкидламоқчиман. Ҳамма масалани ҳалқнинг ўзи ҳал қилаверсин.

Ўртоқлар, кўп миллатли давлатимизни ислоҳ қилмай туриб, умуман қайта қуришнинг муваффақиятигагина эмас, шу билан бирга аниқ муаммоларни — иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳам умид боғлаб бўлмаслигини кейинги йилларда ҳаммамиз тушуниб олдик. Ҳозир, айтишим мумкинки, бу масала ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, истисносиз ҳамма нарса шунга бориб тақалмоқда. Жамиятимизнинг мана шу ҳаётий муҳим соҳасида рўй бераётган воқеалар катта хавотирлик ва ташвиш туғдирмоқда, бир талай таҳқидий фикр ва мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Даббала сўз бўлса ҳам, чўчимай айтиш мумкинки, бунда ғап ватанимизнинг тақдири ҳақида бормоқда.

Биз кўп миллатли давлатимизни амалий равишда ўзгартириш босқичига кирдик, энди биз мана шу жараён туфайли рўй бераётган ҳамма хайрли ўзгаришларни ҳам, шунингдек яққол кўринуб турган хавф-хатарни ҳам пайқаб олишимиз керак. Ҳозирги жараёндаги ҳамма нарса ёмон, демоқчи бўлган кишилар, ҳақ эмаслар — бундай дейиш одамларнинг кайфиятига зид келади, чунки одамлар ўз халқлари ва жумҳуриятларини миллий қайта тиклашни янги сиёсат билан боғламоқдалар. Бироқ фақат шу жиҳатни эътиборга олиб, иттифоқимизга, ҳамдўстлигимизга, халқларимизнинг иноқ турмушига таҳлика солаётган хавф-хатарни, шу жумладан оқимларни кўрмаётган кишилар ҳам ҳақ эмаслар.

КПСС — халқларнинг миллий тикланиши, суверенитети, мустақиллиги ва ўзини ўзи бошқариши тарафдоридир. Бу мақсадни мамлакатимизнинг аниқ шароитида, унинг тарихини, таркиб топган маданий, руҳий, маънавий алоқаларини, нуфус омилларини, халқларнинг кўп қатламлилиги ва жойланишини, хавфсизлик эҳтиёжларини ҳисобга олиб қандай рўёбга чиқариш кераклиги — бош масаладир.

Барча вазиятларни ва сўнгги йиллар тажрибасини таҳлил этишдан шу нарса кўринуб турибдики, кўп миллатли давлатимизни обдон ўзгартириш ва мустақил давлатлар иттифоқини барпо этиш йўлигина халқларни қайта тиклаш ва уларнинг мустақиллигини амалга оширишнинг энг мақбул йўлидир. Бошқача қилиб айтганда, вайрон қилиш ва барбод этиш йўлидан эмас, балки замонавий шакллардаги бирлашиш йўлидан бормоқ керак. Шу сабабли КПСС ким томонидан бўлмасин, айримачиликка, бузғунчилик ва вайрончилик ҳаракатларига қатъиян қарши чиқади. Айни вақтда партия кўп миллатли давлатимизни обдон янгилаш тарафдоридир.

Ҳозир коммунистларнинг айримачилик кучлари шитобига қарши туришдан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ. Бу гап барча поғоналардаги кенгашларнинг депутатлари бўлган коммунистларга ҳам таллуқлидир. Чунки биз бир қанча ҳолларда ҳокимият ва бошқарув идораларининг ҳаракатларини издан чиқарадиган, мамлакатдаги вазиятни беқарорлаштирадиган ғайриконституцион қарорлар қабул қилинаётганини кўриб турибмиз. Ҳуқуқтартиботни бузиш ва иқтисодий қийинчиликларнинг илдизлари мана шундан пайдо бўлиб, одамларнинг турмушига оғир таъсир қилмоқда. Келинглар, рўйрост гапирайлик. Башарти, шу тамойиллар бартараф этилмаса, уларнинг бундан буён ҳам ривожланиб боришига имкон бериб қўйилса, мамлакатимиз бошига Ливаннинг куни тушиши хавфи ва унинг маълум бўлган оқибатларига дучор бўлишимиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўтган ҳафтада телевидениемизнинг Ливандаги мухбири ўзаро жанжаллашиш, кураш ва қарама-қаршилик нималарга олиб келганини вайрон бўлган шаҳарлар қаршисида гапириб берганига эътибор бергансиз, деб ўйлайман. Ливан дунёдаги энг гуллаб-яшнаб турган мамлакатлардан бири эди, бугун эса бизнинг мухбиримиз билан гаплашган ливанлик бу ердан қочиб кетмоқчи эканини айтди.

Ливаннинг кунига тушмаслигимиз учун коммунистлар ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишлари керак. Бунинг учун эса ҳаддидан ошган, миллатчи кучларнинг далиллари ва шиорлари лўттибозликдан иборат ёлғон эканини кўрсатиб бериш керак. Улар ҳар қандай воситалардан ҳазар қилмай, халқни алдаш йўли билан миллий нафрат ва қирғин муҳитини вужудга келтирмоқчилар. Бундай шароитда одамлар ўз дилларидаги ҳамма гапни айтишдан қўрқадилар. Коммунистлар ҳаддидан ошган миллатчилар ва экстремистларнинг маккорона тактикасини фош қилишлари лозим. Бу ўринда дадил ҳаққоний сўз ҳам, қонуннинг кучи ҳам керак.

Ҳозирги пайт алоҳида масъулиятли эканини назарда тутиб, Пленумда оммавий ахборот воситаларининг масъулияти ҳақидаги масалани қўйишни зарур деб ҳисоблайман. Бир томонлама, субъектив фикрларни жамиятга тиқиштиришга, буларни халқнинг фикри деб кўрсатишга уринишлар демократия ва ошкоралик қоидаларига зид бўлган ғайритабиий бир ишдир. Баъзи ахборот воситаларида фашистсимон унсурларнинг қаҳр-ғазабга тўлган талбанамо ҳаракатлари оз бўлмаса демократиянинг нишонаси деб талқин этилаётган экан, бу нуқтаи назарни қабул этиб бўлмайди. Бу ҳаракатларни халқ қатъиян рад этиб қоралаётгани эса кўрсатилмай қолмоқда. Бу қанақа ошкоралик бўлдию, қанақа демократия бўлди? Йўқ, буни ошкоралиқни гиж-гижловчилик мақсадида суиистеъмол қилишдан бошқа нарса деб бўлмайди.

Хўш, оммавий ахборот воситаларидаги коммунистлар нега индамай туришибди? Менимча, Марказий Комитет аъзолари ҳам маъмурий чоралар кўришни талаб қилиб партия Марказий Комитетига шунчаки телеграммалар юбормасдан, балки редакциялар билан доимий алоқа қилиб туришлари, уларга боришлари, мунозара қилишлари лозим. Бу — аввало сиёсий вазифадир. Имкони борича, бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, ишимизнинг муваффақиятидан ва мамлакатимизнинг тақдиридан чинакамига манфаатдор бўлган ҳамма кишилар иштирокида ошкора, рўй-рост гаплашиб олиш керак. Ҳозир журналистларнинг роли ва ўрни бениҳоя катта. Шу сабабли биз халқ олдидаги масъулият туйғуси ҳар бир журналистга тўғри мақкни эгаллаш имконини беради, деб умид қиламиз.

КПСС Ленин ҳайкаллари, давлатимиз тимсоллари ва Ватанимиз маданияти ободлари, Ватан ҳимояси жангларида ҳалок бўлган жангчиларнинг қабрлари оёқ ости қилинишига қатъиян қарши чиқади. Одамлар кескин чоралар кўрилишини талаб қилмоқдалар. Президентнинг бу масала хусусидаги Фармони тайёрлаб қўйилган ва ҳозир СССР Олий Совети комитетларига хулоса чиқариш учун топширилган. Бу масалада жумҳурият ва маҳаллий ҳокимият идоралари қатъий йўл тутишлари керак. Жоҳиллик ҳаракатларига қарши чиқаётган афкор оммани қўллаб-қувватлаш коммунистларнинг бурчидир.

Ҳозирги вазиятда истиқбол ва кундалик ҳарактеридаги вазифалар ҳар қачонгидан ҳам чигал бир тугун бўлиб тугилган. Барча соҳаларда тегишли равишда фикрлаш ва ҳаракат қилиш учун мамлакатни идора қилувчи партия бўлган бизлар буни яхши тушунишимиз керак. Шуни рўй-рост айтиш лозим: агар биз яқин вақт ичида ёндашувни топиб, ирода кўрсатмасак, истеъмол бозорини изга солиш, жамиятда ҳуқуқ-тартибот ва интизомни, қонунийликни, ҳокимиятнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, шартномавий мажбуриятларга риоя этиш каби масалаларни ҳал этишда меҳнаткашларни бирлаштириш учун ўз имкониятларимиздан фойдаланмасак, пировард мақсадларимиз ҳам шубҳа остида қолиши мумкин.

Ҳозир тактика масалалари бевосита стратегия билан туташиб кетмоқда. Коммунистларнинг, умуман партиянинг обрў-эътиборини тиклаш ва ошириш масаласи ҳам шунга боғлиқ. Ҳосилни йиғиштириб олишда, шаҳар ва манзилгоҳларнинг халқ хўжалигини қишга тайёрлашда, темир йўл ва шаҳар транспортида тартиб ўрнатиш ишида, кундалик турмуш билан боғлиқ ҳамма ишларда коммунистларнинг қандай ҳаракат қилишларига қараб одамлар партия ҳақида бир фикрга келадилар.

Коммунистларга нисбатан муносабат биринчи галда шу билан белгиланишини мисоллар кўрсатиб турибди. Мана шу ишларнинг ҳаммасида ташаббус кўрсатган партия ташкилотларини одамлар маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. Мана, Москвада ҳосилни йиғиштириб олишда ёрдам бериш керакми ёки йўқми деган масала теварагида узоқ митингбозлик бўлди. Шу вақт ичида ҳар куни ёмғир ёғиб турди, энди ҳеч қандай техника ишламаяпти, одам қўллари керак. Мен Ю. А. Прокофьевдан раҳбар коммунистларни таклиф этишни илтимос қилдим. Салкам 450 киши тўпланди. Юрий Анатольевич уларга бундай деди: вазият мана шундай, Михаил Сергеевич бизга мурожаат этди, мен шаҳар комитети номидан сизларга мурожаат қиляпман — келинглар, бирор иш қилайлик; улар бунга жавобан: ҳеч шак-шубҳа йўқ, келинг, Москвани оёққа турғизайлик, дейишди. Шундан кейин 60 минг киши ҳосилни йиғиштириб олишга юборилди, кўпгина жамоалар бир марта чиқиб қатнашмоқдалар. (**Овозлар**: Моссовет нима қиляпти?).

Мана — биз, коммунистлар нима қилишимиз керак? — деб мулоҳаза юритяпмиз. Халқ билан бирга бўлиш, шу ўзгариш даврини у билан бирга бошдан кечириш, руҳни бардам тутишда уюшиш ва амалий ишларни ҳал қилишда ёрдам бериш керак. Бутун жавоб мана шундан иборат. Бу иш қандай амалга оширилиши жамоадаги, халқ орасидаги, жумҳуриятдаги аниқ вазиятга боғлиқ.

Айни шу мақсадда биз барча поғоналардаги кенгашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, қарор топиш давридан тезроқ ўтишда, ишдаги митингбозликдан халос бўлишда уларга ёрдам беришимиз керак. Тажрибани эътиборга олиб, чамаси, ҳозирнинг ўзидаёқ кенгашлар билан ижрокомлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга тузатиш киритиш, вазифалар, ваколатлар ва масъулиятни аниқ тақсимлаб олиш лозим. СССР Олий Совети ва Россия Федерацияси Олий Советининг комитетларида шу масалаларни пухта ишлаб чиқиш соҳасида олиб борилаётган ишни қўллаб-қувватлаш керак, деб ўйлайман.

Ҳозирги шароитда, сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги, кўп партиялилик рўёбга чиқаётган бир пайтда партиянинг бошқа сиёсий оқимлар ва ташкилотлар билан ўзаро алоқа қилиш маҳорати алоҳида аҳамият касб этмоқда. Биз съездда барча тараққийпарвар ватанпарвар кучлар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимизни айтган эдик. Шу кучларнинг коалицияси ҳозир бутун халқнинг, халқ орасидаги барча қатламларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган инқирозга қарши дастур асосида тузилиши мумкин.

Шу билан боғлиқ бўлган яна бир жиҳат бор. Яқинда маданият арбоблари билан бўлган учрашувдан хабарингиз бор. Маданиятнинг уюштирувчилик роли ўртоқлар нутқларининг асосий мазмуни бўлди. Ижодкор зиёлиларнинг маданий бойликларни ҳимоя қилишда, маданиятни қайта тиклашда ва уни кўпмиллатли жамиятимизнинг бирлаштирувчилик негизига айлантиришда партия билан, давлат ҳокимияти билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлиги кучли янгради. Кўпгина ғоялар ва таклифлар айтилдики, мен сизларнинг эътиборингизни шунга қаратмоқчиман. Бу ғоя ва таклифлар ушалмаган истаклигича қолмаслиги керак.

Кириш сўзини якунлаб, шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: агар коммунистлар мамлакат олдида кўндалант бўлиб турган ва халқимизни ташвишга солиб турган муаммоларни ҳал этишга енг шимариб киришадиган бўлсалар, партия ички тангликни бартараф эта олади ва халқнинг кўз ўнгида ўзининг сиёсий қадр-қимматини тиклаб олади.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ўринбосари В. А. Ивашко мамлакатдаги аҳвол ҳамда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтказилиши муносабати билан КПССнинг вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

В. А. ИВАШКО МАЪРУЗАСИ

Ўртоқлар! Мазкур Пленумда биз ҳаммамиз, янги таркибдаги Марказий Комитет аъзолари, КПСС XXVIII съездининг аввало ижтимоий-иқтисодий сиёсат соҳасига даҳлдор қарорларини конкрет ҳаракатларга айлантиришимиз лозим бўлади.

Коммунистлар, биринчи навбатда нималар қилиш лозимлигини, ўткирлашиб кетган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий танглик сабабли ўзлари қандай ҳаракат қилишлари зарурлигини КПСС Марказий Комитетидан эшитишга умид боғламоқдалар.

Кўпдан буён жиддий касалга чалинган жамиятимизнинг ҳарорати қалтис даражага кўтарилди. Ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқармоқда, хўжалик алоқалари муттасил инқирозга юз тутмоқда, интизом ёмонлашмоқда. Ялписига тақчиллик, чайқовчилик, истеъмол бозорига лат етказган нархнинг ошиб бораётганлиги миллионлаб совет кишиларининг ҳаётига кун сайин оғу солмоқда. Москва ва Ленинград, бошқа саноат марказларини озиқ-овқат билан таъминлаш шу даражага тушиб қолдики, энди бунга сира тоқат қилиб бўлмайди. Аҳоли бошига кулфат солаётган жиноятчилар олами сурбетлик қилмоқда. Миллатлараро нифоқ ва можаролар ўчоқлари аланга олиб турибди. Сиёсий кучларнинг бўлиниши давом этмоқда, социализмга қарши оқимлар фаоллашмоқда, КПССни ижтимоий ҳаётнинг чеккасига қисиб қўйишга уринишлар кучаймоқда. Шу мақсадда беҳаёлик билан коммунистлар бадном этилмоқда ва таъқиб қилинмоқда. КПСС тимсолидаги «душман образи» зўр бериб ижтимоий онгга сингдирилмоқда.

Шуларнинг ҳаммаси жам бўлиб ижтимоий кескинликни хавфли даражада кучайтириб юборди.

Пленум арафасида Марказий Комитет аъзолари, Сиёсий бюро ва КПСС Марказий Комитети Секретариатининг аъзолари, аппарат ходимлари кўпгина жумҳурият ва вилоят партия ташкилотларида бўлдилар, партия, совет фаоллари, меҳнаткашлар, ишлаб чиқариш жамоаларидаги коммунистлар билан учрашдилар.

Ишларнинг аҳволи билан танишиш шундай хулосага олиб келадики, съезддан кейинги ўтган даврда партия комитетлари фаолиятида сезиларли силжишлар бўлгани йўқ. Кўпгина жойларда сиёсий бўшашувчанлик, саросималик, амалий ҳаракатлар бўлмаётгани кўринуб турибди. Ҳали ҳам турмушдаги барча ҳоллар учун «юқоридан бекаму-кўст фармонлар», йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар кутиб туришибди. Бундай вазият учун муайян айбни биз ўз зиммамизга олишимиз керак, албатта, аммо жойларда ишлаши лозим бўлган кишилар зиммасига ҳам бундай айбнинг бир қисмини қўйишимиз лозим бўлади. Лекин ҳозир асосий масала бунда эмас. Асосий масала шундаки, ана шундай вазиятда анчагина одамлар партияга ишончни йўқотиб қўймоқдалар. Унинг сиёсатидан, қайта қуришдан ҳафсалалари пир бўлмоқда. Сусткашлик ва ташаббуссизлик, ижтимоий тараққиётнинг энг ўткир масалалари хусусидаги ўз позицияларини коммунистлар ва партиясизларнинг кенг оммасига етказишда ўқувсизлик қилаётгани учун Марказий Комитетга тобора қатъият билан ва тез-тез таъна қилмоқдалар.

КПСС XXVIII съезди танг ҳолатдан чиқишнинг йўлини кидирар экан, бозор муносабатлари, жамият ҳаётининг барча соҳаларида таг-заминли, туб ўзгаришлар тарафдори эканлигини аниқ-равшан айтди. Бундай қарорга келиш осон бўлгани йўқ, чунки бу ижтимоий онгдаги, ижтимоий амалиётдаги чинакам инқилоб демакдир. Ҳаёт мавжуд хавфсирашни тасдиқлади. Матбуотдаги мунозаралар, партия органларига, жумладан КПСС Марказий Комитетига келаётган хатлар, партия йиғилишларидаги баҳслар шундан далолат бериб турибдики, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзи сира бир хил қабул қилинаётгани йўқ, ҳадиксираш-лар бор, бундай муносабатлар баъзан батамом рад этилмоқда.

Бундан ташқари, одамлар кўнглида ана шундай ўтиш билан боғлиқ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, аҳлоқ-одобга даҳлдор кўпгина саволлар пайдо бўлмоқда. Бу саволларга аниқ-равшан жавоб берилиши керак ва бундай жавобни бериш керак. Бунинг устига, кўп кишилар бозор муносабатларига ўтишни капитализмнинг қайтадан тикланиши ҳамда социалистик тартиблар ва кафолатларнинг бекор қилиниши, деб тушунмоқдалар.

Равшанки, Марказий Комитет Пленумида СССР Олий Кенгашининг сессиясида кўриб чиқилган бозорга ўтиш дастури вариантларини яна қайтадан муҳокама қилиш ҳақида сўз бораётгани йўқ. Пленумда иқтисодни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш юзасидан амалий ишда партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг ўрни ва вазифаларини белгилаб олиш, давр талабларига кўра, мамлакатнинг ҳозирга сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволидан келиб чиқадиган ҳаракат дастурини белгилаб олиш лозим бўлади. Равшанки, бу ўринда гап ким эртага ва индинга нима қилиши ҳақида бораётгани йўқ, асосий масала бошқачароқ, яъни бугун Пленумда партия ташкилотлари ўзларининг конкрет амалий ишларида риоя этишлари лозим бўлган мавқеини белгилаб олишдадир.

Шундай қилиб ҳозирги куннинг биринчи навбатдаги вазифаси сифатида иқтисодиётни барқарорлаштириш тўғрисида гапириб ўтайлик.

Гарчи танглик ҳодисаларининг асосий сабаби хўжалик юритишнинг самарасиз, яроқсиз бўлиб қолган системасининг қусурларида бўлса ҳам, оғир иқтисодий аҳволни фақат шу қусурлар билангина изоҳлаб бўлмайди. Сўнгги вақтларда йўл қўйилган жиддий хатолар ҳам бунга сабаб бўлди.

Аслида жуда қисқа муддат ичида бошқарувнинг илгариги системаси бузиб ташланди, аммо янги иқтисодий омилларни жорий этиш, бозор муносабатларига бевосита ўтиш йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда чўзилиб кетди. Баҳслар, гап-сўзларга берилиб кетиб, ўзгаришларни кутиб, ишни унутиб қўйдик. Вазирликлар иш сифатини жуда пасайтириб юбордилар, оқибатда тармоқ бошқаруви барбод бўлди, мувозанат бузилди. Бозор йўқ, унинг ёмон ҳислати бўлган бебошлик эса аён кўринуб турибди. Сир эмаски, иқтисодий дастурлар бўлмаган бир шароитда хўжалигимизнинг кўпгина «устунлари» партия интизомига суянган эди. Энди вазият ўзгарди. Партия комитетлари бевосита хўжалик вазифаларини бажаришдан ўзларини тиймоқдалар, ўзгаришларнинг мантиқи ҳам ана шундадир.

Ўтиш даврида асосий оғирлик сақланиб қолган тармоқ бошқаруви органлари ва кенгашлар зиммасига тушиши лозим эди. Лекин улар ҳозирча хўжаликка ва ижтимоий соҳага раҳбарликда ўзларига муносиб ўринни топа олганлари йўқ.

Бир гуруҳ корхоналарнинг иккинчи гуруҳ корхоналари олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаётганлиги, иш вақти йўқотилишининг кўпайиб бораётганлиги (шу йилнинг саккиз ойи мобайнидагина иш ташлашлар туфайли 10 миллион киши — кун зое кетди), бир қанча ишлаб чиқаришларнинг, шу жумладан, айтганча, дори-дармон ишлаб чиқарадиган корхоналар ёпилиб, уларнинг ўрни ҳеч нима билан қопланмаётганлиги, миллатлараро можаролар, ҳориждан хом ашё олишнинг кескин камайиши ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқаришига олиб келди. Тўққиз ой мобайнида умуман мамлакатда саноат маҳсулоти тайёрлаш 0,9 фоиз камайди. Шу жумладан, Озарбайжонда 9,1 фоиз, Арманистонда 7,2 фоиз, Литвада 4,1 фоиз, Эстонияда 2 фоиз, Латвияда 1,3 фоиз камайди.

Пул-кредит соҳасидаги тўла тартибсизлик оғирлик таъсир этмоқда. Муомала соҳасида нақд ва нақд бўлмаган пулларнинг тўлиб-тошиб кетганлиги пул системасини бузди, сўмнинг харид қобилиятини туширириб юборди. Ҳукумат ўтган йилнинг охирида қабул қилган молиявий соғломлаштириш режаси самарасиз бўлиб чиқди.

Ўртоқлар! Ҳеч қандай иқтисодиёт — на бозор иқтисодиёти, на маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти — муомаладаги пулнинг бетўхтов кўпайиб бориши шароитида фаолият кўрсата олмайди. Агар ички бозорнинг ҳеч нарса билан таъминланмаган пул билан тўлиб-тошиб кетиши тўхататилмаса, янги иқтисодиётни бунёд этишнинг воситаси сифатида бозор муносабатларига ўтиш асоссиз бўлиб қолади ва бу фақат ижтимоий ларзаларгагина олиб келиши мумкин.

Йиллик эмиссия плани 10 миллиард сўм эди. Аслида эса тўққиз ой мобайнида пул эмиссияси 19,3 миллиард сўмга етди. Бу 1981—1985 йиллардаги жами эмиссиядан кўпроқдир. Муомалага миллиардлаб сўм пул чиқарилиши бошқа сабаблар билан бир қаторда эҳтиёжнинг ниҳоятда ошиб кетишига олиб келади, бозорлардаги нархлар кўтарилиб кетади, тақчиллик юзага келади. Моллар паспорт ва шахсий гувоҳномалар асосида сотилади, оқибатда эса чайқовчилар тобора кўпаяди. Кейинги йилларда иш ҳақи ва пенсияларнинг озгина оширилганлиги ҳам шу таҳлитда чиппакка чиқди.

Шу қадар катта пул эмиссияси объектив тарзда тақозо этилганмиди? Жавоб битта — йўқ. Ўзингиз мулоҳаза юритиб кўринг. Ўтган ярим йилда, яъни эмиссия 9,7 миллиард сўмга етганида, фақат кооператорларнинг ўзигагина банклар шу кооператорлардан олиниб, ҳисоб дафтарчасига ўтказилганидан 12 миллиард сўм кўп нақд пул бердилар. Бу икки миқдор ўртасидаги алоқа бевосита бўлмаса ҳам лекин бор ва бу алоқа жуда мустаҳкамдир. Нега энди ҳеч ким бу жумбоқ билан қизиқмади? Нега энди пул биринчи талабинг ўзи билан ноқ бериб юборилмоқда? Бу эса мамлакатда шусиз ҳам мураккаб бўлиб турган вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Украинада эса бир йил муқаддам бу масалага қизиққан эдилар, бунинг натижасида ушбу жумҳуриятдаги эмиссия ҳозир Иттифоқдагига нисбатан олти-етти баравар камдир.

Жумҳурият органлари ва маҳаллий органлар бу оғир аҳволдан ўзлари якка-якка чиқишга уринуб, кўп ҳолларда янгича маъмуриятчилик йўлини тутмоқдалар, бу эса хўжаликдаги тартибсизликни кучайтирмоқда. Оқибатда давлат интизоми даражаси пасаймоқда. Мисол тариқасида тамаки муаммосини, нон сотишда узилишлар бўлаётганини, миллионлаб одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришдаги бошқ

В. А. ИВАШКО МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

шаҳарлар аҳлини чорвачилик маҳсулотлари, картошка ва сабзавот билан таъминлашдаги аҳволни ўнглаб олиш мумкин ва лозим.

Аҳолининг пул даромадлари ва харажатларини мувозанатлаштириш учун бозорни халқ истеъмолининг анъанавий моллари билан тўлдириш билан бир қаторда шу яқин орада жамғарилган пул маблағларини сарфлашнинг янги фойдали соҳалари ҳам таклиф этилиши керак. Омонат пулларига фоиз ставкаларини ошириш тўғрисидаги масалани ҳал этишни ҳам пайсалга солмаслик керак.

Бозор муносабатларига ўтишнинг аниқ йўллари ва босқичлари тўғрисида фикрлар нечоғлик хилма-хил бўлмасин, қаттиққўллик билан ўтказиладиган кредитмолия сиёсатисиз бақувват ва залворли сўмсиз халқ хўжалигининг рисоладагидек ишлаши, жумладан бозорни барқарорлаштириш мумкин эмаслигини тушунишда якдиллик сезилиб турибди.

Ҳозирги бюджет камомадини бартараф этиш юзасидан фавқулодда тадбирлар, муомаладаги пулни чеклаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаш зарур, деб ҳисоблайман. Буларни амалга оширишга дарҳол киришиш зарур бўлур эди.

Пул даромадларини тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу ўринда гап мазкур даромадларни тўхтатиб қўйиш ҳақида бораётгани йўқ, пулнинг қадрсизланиш шароитида бундай қилиш аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келган бўлур эди. Аммо рисоладаги иқтисодий тараққиёт талабларига таяниб, даромадларнинг ўсишини барча соҳаларда — давлат, кооперация, шахсий соҳадаги ишлаб чиқариш натижалари билан мустаҳкам боғлиқлигини таъминлаш зарур. Янги хўжалик дастурида ана шундай алоқа усуллари топилиши даркор. Барқарорлаштириш босқичи кўпгина мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат назоратидан анча ҳоли қилиб қўйилиши ўзини оқлаганлиги учун ана шундай йўлни тутиш, ишлаб чиқаришни монополиядан ҳоли қилиш, бозор инфраструктурасини яратиш, халқ хўжалиги структурасини қайта қуриш борасида фаол ҳаракатларни ҳам камраб олиши зарур. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётининг бош мазмунини ташкил этадиган рақобат, эркин нарх белгилаш дастурларини ишга солишга ёрдам беради.

Иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш учун мамлакатнинг 1991 йилга мўлжалланган режаси ва бюджетининг аҳамиятини қайд этиш ўринлидир. Айни вақтда режа лойиҳасини тузиш жараёни ташвиш уйғотмоқда. Умуман саноатда октябрь ойининг бошига қадар фақат 35 фоиз шартнома тузилди. Ҳолбуки, ўтган йилнинг шу даврида 70 фоиз шартнома тузилган эди. Хўжалик алоқаларини барқарорлаштиришни назарда тутадиган ҳамда иқтисоднётда шартномавий улгуржи нархларни кенг қўлланишга йўл очадиган президент фармонларининг қабул қилиниши билан шартномалар тузиш йўлидаги ғовлар олиб ташланди. Коммунистлар ана шу жараёнга ҳар жиҳатдан ёрдам беришлари, идоравий бош-бошдоқлик, маҳаллийчилик, гуруҳ манфаатларини сохта талқин қилишга уюшқоқлик, ишчанлик ва бутун жамиятимиз олдидаги масъулиятни қарамақарши қилиб қўйишлари керак. Ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлаштирилсагина мамлакатдаги иқтисодий вазиятни яхшилик томон ўзгартириш мумкин. Ҳозирги даврни холисона таҳлил этиш шундан далолат бериб турибдики, ҳозирги вақтда имкони бўлган яккаю ягона сиёсат — бу тинчлик ва фуқароларнинг тотувлиги, қайта қуришга бел боғлаган барча демократик кучларнинг ҳамкорлиги сиёсатидир. Тоқатсизлик ва сиёсатдаги тоқатсизлик эса шусиз ҳам хавфли поғонага кўтарилган жамиятдаги қарама-қаршиликни кескинлаштиради, ҳолос. Партия ташкилотлари бузғунчи, экстремист унсурларга қарши қатъий кураш олиб боришлари ва айни вақтда ҳақиқатан ҳам ишнинг ҳозирги аҳволидан ташвишга тушаётган ва халқ манфаатларига хизмат қилишни истаётган партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан мустаҳкам алоқада ишни йўлга қўйишлари лозим.

Ўртоқлар! Бозор муносабатларига кенг майдон очиб бериш заруратини кимнингдир субъектив истаги тақозо этаётгани йўқ. Ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги тараққиётимизнинг объектив боришини шуни талаб этмоқда. Ушбу тараққиёт мулкни ялписига давлат ихтиёрига олишга асосланган бўйруқбозлик-фармойиш бериш муносабатлари системасининг ноқобиллигидан далолатдир, шу ҳақда бу ерда Михаил Сергеевич Горбачев ўз нутқида айтиб ўтди. Ушбу системани социализмга баробарлаштириш жуда қўпол назарий ва амалий хато бўлди, бу эса фақат иқтисодиётдагина эмас, балки умуман ижтимоий-сиёсий ҳаётда илдиз отган бузилишларга олиб келди. Шу боисдан ҳам бугун таклиф этилаётган бозор иқтисодиётини бунёд этиш йўли мамлакат бошига ёпирилган тангликдан чиқишга замонасозлик қилиб уриниш бўлмай, кўп йиллардан буён изланиш ва фикр-мулоҳаза қилишнинг, Ватанимиз ва жаҳон тажрибасини таҳлил этишнинг азият чекиб топилган якунидир.

Иқтисодиётни қатъият билан бозор ўзанига солмасдан туриб, бизнинг мамлакатимиз у ҳозир бошидан кечираётган қийинчиликларни эътиборга олмаганимизда ҳам, саноат жиҳатдан ривожланган давлатлардан тобора орқада қолиб кетаверади, жаҳон цивилизациясининг «чекка ўлкаси»га айланишга маҳкум бўлади.

Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш кўп ҳолларда социализмнинг ижтимоий зафарларидан воз кечиш ва капитализмга, мулкдорлар синфи, бечораҳолларга қарама-қарши турадиган эксплуатация жамиятига қайтиш деб талқин қилинмоқда.

Бор овоз билан яна бир карра шуни айтиш зарур бўлиб қолди чоғи: партия социализм идеалларидан воз кечмаяпти, лекин партия социализм деганда қашшоқликдаги тенгликни, ижтимоий қарамликни, иқтисодий ҳаётни ва умуман ижтимоий ҳаётни қаттиққўллик билан маъмурий йўсинда чеклаб қўйишни тушунмайди. Бизнинг тушунишимизча, социализм — ижтимоий тараққиётнинг мақсади инсон бўлган жамиятдир, мазкур жамиятда мулкчилик ва хўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари негизида меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш соҳибларига айланиши таъминланади, юқори унум билан меҳнат қилиш ва рағбатлантирилади, ижтимоий адолат ва меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоя этилишига кафолат берилади. КПСС XXVIII съезди худди ана шундай жамиятни барпо этиш учун восита сифатида бозорга ўтишни танлаб олди.

Бозор иқтисодиётни давлат ихтиёридан анча ҳоли қилишни талаб этади. Давлат ихтиёридан ҳоли қилишнинг асосий шаклларидан бири — акционерлик жамиятларидир, ушбу жамиятларда акцияларнинг анчагина қисми меҳнаткашлар қўлидадир. Маълум сабабларга кўра бу асосан йирик корхоналарга дахлдор бўлади. Кўпгина ўртача ва чоғроқ корхоналарни меҳнат жамоаларининг ўзлари сотиб олишлари мумкин. Ва мазкур корхоналар коллектив мулкига айланади. Кооператив мулки ва жамоат ташкилотларининг мулки янада равнақ топади. Ва ниҳоят ишлаб чиқариш воситаларига фуқароларнинг эгалик қилишига муайян ҳажмларда йўл қўйилади.

Янги иқтисодий муносабатларга ўтишни тиқиштириш йўли билан эмас, балки ўз ихтиёри билан танлаб олиб амалга ошириш керак. Мулкчиликнинг у ёки бу шаклини оммалаштириш худди ана шу тармоқда ёки ишлаб чиқариш соҳасида унинг мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги билан асосланиши керак.

Аграр соҳада бозор муносабатларини ривожлантиришдаги сиёсий йўл, чамамда ер, мулкчилик, ижара тўғрисидаги қонунлар негизида қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан қайта қуришдан иборат бўлиши керак. Бу ўринда гап йирик ижтимоий ишлаб чиқаришдан воз кечиш колхоз ва совхозларни фермойиш бериб тарқатиб юборишдан иборат эмас (қизиққон айрим кимсалар шунга даъват этмоқдалар, қишлоқдаги кўпчилик меҳнаткашлар эса ўринли тарзда бундан хавфсирамоқдалар).

Колхозлар, совхозлар, деҳқон хўжаликлари ва шахсий хўжаликларга, уларнинг кооперативлари ва уюшмаларига тенг иқтисодий шароитлар яратиб бериш лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турли жумҳуриятлардаги деҳқонлар бир-биридан обдон фарқ қиладиган ижтимоий-иқтисодий, тарихий, психологик ва маиший шароитларда яшаб меҳнат қилмоқдалар, шу боисдан ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишга табақалаштирилган маҳаллий ёндашув зарур. Ер ислоҳоти нечоғлик тез ва кўламли амалга оширилса, қишлоқдаги бозор иқтисодининг равнақи ҳам шу қадар самарали бўлади. Бу ҳозир қишлоқда хўжалик юритиш янги шаклларига ўтишнинг туб масаласидир. Бир қанча жумҳуриятларда ер кодексларини қабул қилиш жуда кечикиб кетди. Ер фонди ҳисоботи ўтказилмаган, экинзорларга кадастрга қараб баҳо берилмаган ва улар маҳаллий кенгашлар тасарруфига ўтказилмаган, ҳолбуки ер ҳақидаги қонунда шулар назарда тутилган эди.

Партия комитетлари, халқ депутатлари кенгашларида ишлаётган коммунистлар оилавий фермалар, деҳқон хўжаликлари бунёд этиш йўлидаги барча ҳоҳиши бўлган фуқароларга боғдорчилик-сабзавотчилик участкалари бериш, томорқа хўжалигини ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлашга фаолроқ киришишлари лозим. Ерга хусусий мулкчиликни жорий этиш тўғрисидаги масала пухта муҳокама қилишни талаб этади. Ерга мулкчиликни хусусийлаштириш юзага келтириши мумкин бўлган салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатлар равшандир. Ер билан чайқовчилик қилиш, миллатлараро нифоқ ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси жуда жиддий масалалардир. Шу боисдан ҳам ушбу муаммони ҳал этишни халқнинг ўзига, бутун халққа ҳавола этиш тўғрисидаги таклифни батамом қўллаб-қувватласа арзийди.

Зарар кўриши планда кўзда тутилган корхоналарнинг ҳоли не кечади. Бу жуда мураккаб муаммодир. Агар дотация бериш батамом ва дарҳол тўхтатиб қўйилса ёки унинг миқдори кескин қисқартирилса бунинг оқибатида корхоналар ялписига «синади» ва ялписига ишсизлик бошланади. Вазифа бюджетни ана шу азоб-уқубатдан қутқариш билан бир қаторда барча корхоналар, шу жумладан зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни, барча колхозлар ва совхозларни бозор шаронтига, рақобат шароитига қўйишдир. Дастлабки кезларда буларга қандайдир ёрдам кўрсатилиши керак, лекин бу ёрдам бошқача шароитларда, махсус барқарорлаштирувчи фондлар, субсидиялар, имтиёзли қарзлар шаклидаги мувақкат молиявий ёрдам шаклида, савдо-сотиқ банкларининг кредитлари кафолатлари йўсинида бўлиши даркор. Корхоналарни қайта тузиш, зарур жойларда раҳбарларни мустаҳкамлаш, хизматчилар сонини қисқартириш, қандайдир мулкларни сотиш, ихтиросликни ўзгартириш ва бошқалар талаб этилади.

Сира шубҳасиз шундай корхоналар ҳам бўладики, ишлаб чиқариш ихтиосслигига кўра улар бундан буён ҳам давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади. Бу ҳақда баралла айтишимиз керак. Буларнинг сони кўп бўлмайди, аммо шунга қарамасдан барча мамлакатларда шундай корхоналар ва ҳатто бутун-бутун тармоқлар борки, уларга давлат мадад бериб туради, чунки бу корхоналарни рентабеллик даражасига кўтариш бошқа тармоқларда ҳам нархнинг узлуксиз кўтарилишига олиб келади, бу эса пировардида сира самара бермайди.

Бозорнинг иқтисодий ва айниқса ижтимоий истиқболи ва имкониятларига баҳо берар эканмиз, эҳтиросларга сира берилмасдан, бозор оқибатларига ҳушёрлик билан тўла баҳо бериш муҳимдир. Жами иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий оқибатларни жуда синчковлик билан ҳар жиҳатдан чамалаб кўриш, келажакка назар ташлай билиш, ҳар қандай ўтиш даври учун муқаррар бўлган зиённи ниҳоятда камайтириш, ҳар бир регион, жумҳурият ва умуман жамиятнинг тараққиёти хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Аввало, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки кезларида ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши эҳтимолини ҳисобга олиш керак. Бозори касод бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш тўхатилади, жамият учун керак бўлган буюмларни ишлаб чиқариш учун ускуналарни қайтадан жиҳозлаш лозим бўлади. «А» гуруҳи тармоқларида ва саноат қурилишида ишлаб чиқаришнинг қисқариши кўпроқ бўлиши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг кескин сусайиб кетишига йўл қўймаслик учун барча ишларни қилиш керак. Энг кам иқтисодий талофат кўришга ва энг кам ижтимоий чиқимлар бўлишига мўлжалланган ечимларни афзал кўриш лозим. Энг асосий вазифа шуки, ишни бугуннинг ўзидан бошламоқ даркор.

Маблағ ишлаб топиш учун ва уларни ўз ихтиёри билан сарфлаш учун катта имкониятга эга бўлган корхоналар бу маблағларни кундалик эҳтиёжларга ва аввало иш ҳақи ва истеъмолга сарфлайдилар, деган ҳавотирлик бор.

Ҳа, аслида ҳозир ҳам бир қанча ҳолларда шундай бўлмоқда. Бу эса номувозанатликни чигаллаштирмоқда, жамғармаларнинг ўсишига ҳалал бермоқда, ишлаб чиқаришни реконструкция қилишга, фан-техника тараққиётига тўсиқ бўляпти. Оқилона инвестиция, молия ва солиқ сиёсати бунга қарама-қарши туриши керак.

Бозорга ўтишнинг дастлабки босқичида ривожланган бозор ёрдамчи соҳаларини яратишга, бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритиш учун зарур билим, ўқув ва тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор бериш лозим бўлади.

Психологик омилни ҳам назарда тутиш муҳимдир. Узоқ давр мобайнида шахснинг фаоллиги бўғиб келинганлиги оқибатида одамларнинг анча кенг доирадаги шундай гуруҳи вояга етдики, булар бозор иқтисодиёти шароитида шижоат билан иш тутишга, ўзининг бутун куч-ғайратини сарфлаб, ишлашга руҳий жиҳатдан тайёр эмас. Жамиятда тўпланиб қолган ана шундай қийинчиликларни амалда бартараф этиш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Ўртоқлар! КПСС учун энг муҳим, энг асосий масала — бу бозор иқтисодиётига ўтишнинг ижтимоий оқибати тўғрисидаги масаладир.

Совет кишилари бозор муносабатларига ўтиш фаровонлик ва турмуш тарзига қандай таъсир қилади, аҳолининг турли табақалари учун бозорга ўтиш турмуш даражасининг пасайиб кетишига олиб келмайдими, деб ташвишланмоқдалар. Марказий Комитет совет кишиларининг бу ташвишларига қўшилади.

Бозор иқтисодиёти шунчаки мақсад эмас, балки халқ турмушини яхшилашнинг, тўпланиб қолган ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг воситасидир. Биз, коммунистлар учун бозорга ўтиш билан боғлиқ ҳар қандай лойиҳаларни баҳолашда асосий мезон ана шундан иборат бўлиши керак. Партия аҳолининг турмуш даражасини ошириш ижтимоий дастурларини йиғиштириб қўйишга, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларига ҳужум қилишга уринишларга бефарқ қараб тура олмайди ва бундай уринишларга қарши курашаверади.

Бозор меҳнат билан қўшган шахсий ҳиссаси ҳисобига фаровонликни ошириш учун ишончли ва тенг имкониятлар бериши мумкин, у ташаббускорлик ва омилкорликни рағбатлантиради. Айни пайтда ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш давлат системаси одамларнинг манфаатини муҳофаза қилиши лозимки, бундай системани кўп жиҳатдан қайтадан барпо этиш керак бўлади. Биз одамларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга оширишга ўз ёндашувларимизни белгилаб олишимиз керак. Меҳнат қилиш ҳуқуқи муқаддас ҳуқуқдир. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида сунъий равишда, маъмурий чоралар билан аҳолининг иш билан тўла банд бўлишини сақлаб бўлмаслигини кўрмаслик мумкин эмас. Инсоннинг меҳнатга ўз муносабати учун масъулияти, иш жойининг қадр-қиммати ортади. Лекин коммунистлар ишсизлик хавфи қаршисида лоқайд позицияда тура олмайдилар. КПСС ишсизликнинг олдини олишнинг ягона давлат системасини барпо этиш тарафдоридир, бундай система ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштиришни, вақтинча иш билан банд бўлмаган кишиларни моддий жиҳатдан таъминлашни кўзда тутиши керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида энди ёки ҳали тўла куч билан меҳнат қила олмайдиган кишиларни: пенсионерларни, ногиронларни, талабаларни, кўп болали оилаларни, аҳолининг камбағал табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан партиянинг амалий ҳаракатлари бағоят катта аҳамиятга эга бўлади. Биз аҳолининг ана шу гуруҳларига ёрдам беришга доир аниқ-равшан тадбирлар амалга оширилишига бутун чоралар билан эришишимиз шарт, бироқ бу қарамликни рағбатлантирмаслиги лозим. Бозорга ўтиш совет кишиларининг билим олиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, дам олиш, уй-жойли бўлиш, қариганда ва касалликка чалинганда моддий таъминланиш ҳуқуқи каби энг муҳим ижтимоий ҳуқуқлари камситилишига олиб бормаслиги керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида ана шу муаммоларни ҳал этишга ёндашув муайян даражада ўзгаради, бироқ мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатлари фақат сақланиб қолмай, балки кўпайтирилиши керак. Бозорга ўтиш чоғида маданиятни, бутун маънавий турмушни ёппасига тижоратлаштиришга қарши туришни ўзимизнинг бевосита бурчимиз деб биламиз. Шу сабабли коммунистлар маданият, соғлиқни сақлаш ва маорифни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва пул билан таъминлаш сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари керак.

Деҳқонларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларининг ўзига хос жиҳатлари бор. Улар шаҳарликларга қиёслаганда ўзларининг тенг эмасликлари ҳақидаги масалани адолатли равишда ўртага қўймоқдалар. Ҳақиқатан ҳам турмушнинг ижтимоий-маиший шароитлари жиҳатидан қишлоқ шаҳардан анча орқада қолмоқда. Шубҳасиз, бозор иқтисодиёти шароитида уй-жой, йўллар қуриш, газлаштириш, электрлаштириш, сув билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва маориф каби тармоқ дастурлари давлатнинг фаол мадади билан амалга оширилиши лозим.

Чакана нархлар тўғрисидаги масала аҳолида энг катта ташвиш уйғотмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида чакана нархлар қандай ўзгаради? Товарларнинг қайси гуруҳлари, чакана нархи қанча оширилади? Айниқса камбағал табақалар учун пулнинг қадрсизланишидан ҳимоя чоралари кўриладими?

Ана шу саволларнинг ҳаммасига рўй-рост жавоб қилиш керак. Бозорга ўтиш чоғида чакана нархларнинг ўртача даражаси ортиши равшан. Айтмоқчи, биз ҳали бозорга ўтганимиз йўқ, кўпгина моллар нинг нархи эса ҳозироқ кескин ошиб кетди.

Шу нарса ҳам равшанки, ҳозирги пайтда айниқса кундалик зарур моллар хусусида нархларни давлат йўли билан тартибга солиш чоралари, пулнинг қадрсизланишидан ҳимоя қилувчи, биринчи навбатда аҳолининг камбағал гуруҳларини ҳимоя қилувчи бошқа чоралар ҳам зарур.

Пленум қатнашчилари бу ғоят муҳим масала хусусида ўз фикрларини айтадилар ва аниқ-равшан таклифлар киритадилар, деб ўйлаймиз.

КПСС учун меҳнаткашларнинг кенг оммасини фаол иқтисодий ҳаётга, хўжаликни бошқаришга жалб этиш, уларни ҳам мулк эгасига, ҳам манфаатдор меҳнатчига айлантириш бозор муносабатларини ривожлантиришнинг пировард мақсади бўлишига асосланиш табиийдир. Фақат шугина жамиятнинг социалистик йўл доирасида тараққий этишининг базаси, таянчи ва кафолати бўла олади.

Бозорга ўтиш фақат «яширин иқтисодиёт» корчалонлари учун фойдалидир деган гаплар айтилмоқда. Шу муносабат билан гўё партия «бозор фалсафаси»ни ҳимоя қилиб, ўз сиёсий қиёфасини йўқотиб қўймоқда, дейишмоқда. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Коммунистлар олғирлик ва юлғичликнинг, соғлом бозорни чайқов бозори билан алмаштиришнинг мухолифи бўлиб келганлар ва шундай бўлиб қолмоқдалар.

Биз ҳуқуқий давлат иқтисодиётда ҳуқуқ-тартиботни қарор топтиришдан бошланади, деб ҳисоблаймиз. Партия, барча коммунистлар жипслашиб, чайқов бозорига, яширинча бойлик орттиришга очиқ тус беришга ҳар қандай уринишга қарши, хўжалик юритишнинг янги шакллари даврида талончилар ва олғирлар ўғирлаган бойликларини «ювиб тозалаб» олишларига қарши қатъий кураш олиб боришлари керак.

Ўртоқлар! Бозорга ўтиш Иттифоқ донрасида жумҳуриятларнинг ўзаро муносабатлари масалаларини янгича қиёсий қўймоқда. Агар ҳақиқатга ҳалоллик билан назар ташлайдиган бўлсак, шуни тан олиш керакки, ҳозир олдинги кўринишдаги иттифоқ ҳам, янги кўринишдаги иттифоқ ҳам йўқ. Умри тугаган давлат тузилмасига, аслида унитар тузилмага ачинмаслик керак. Партия XXVIII съезди қарорларида қайд этилганидек, мустақил давлатларнинг янги федерациясини барпо этиш сари олға томон ҳаракат қилиш лозим. Марказ ихтиёрий равишда бирлашган жумҳуриятлар баҳамжиҳат ҳаракатларининг зарур шарти бўлиб хизмат қиладиган Иттифоқнинг янги ички муносабатларига мумкин қадар тезроқ аниқ тус бериши керак.

Жумҳуриятларнинг иқтисодий иттифоқини, ўзаро манфаатли бозор муносабатларини кенг авж олдириш учун ягона иқтисодий бозорни шакллантириш янги Иттифоқ шартномаси йўлида муҳим қадам бўлиши керак. Бозор шароитида давлатнинг маъмурий қудрати эмас, балки бозордаги бош субъектнинг, мустақил товар ишлаб чиқарувчи сифатида корхонанинг иқтисодий ҳокимияти Иттифоқни иқтисодий жиҳатдан боғлаб турадиган куч бўлиб, бу куч халқ хўжалигининг бошқа бўғинлари билан иқтисодий манфаатларнинг жонли ришталари орқали ҳар қандай маъмурий ришталардан кўра мустаҳкамроқ боғлиқдир. Худди шундай иқтисодий алоқалар суверен жумҳуриятлар иттифоқининг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бозор сифат жиҳатидан янги Иттифоқнинг иқтисодий негизи сифатида марказий идораларнинг якка ҳокимлигига чек қўйишга имкон беради, жумҳуриятлараро номақбул меҳнат тақсимотидаги бузилишларни аста-секин тўғрилайди. Корхоналар ва ташкилотлар даражасидаги интеграция жараёнлари жумҳуриятлар билан ҳудудлар ўртасида шубҳалардан ҳоли бўлган тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатларнинг вужудга келишига ва мустаҳкамланишига самарали кўмаклашади.

Жумҳуриятлар ўртасидаги марказнинг иштироки ва таъсирини истисно қилувчи музокаралар жараёнининг «горизонтал модели» деб аталган моделининг амалга оширилиши натижасида аслида барча умуминтифоқ тузилмалари тугатилиши мумкинлиги ва бунинг сиёсий оқибатларига батафсил тўхталиб ўтирмайман. Шу нарса равшанки, бундай моделнинг амалга оширилиши суверен давлат сифатида ССР Иттифоқининг, халқаро ҳуқуқ субъектининг тугашини билдиради, бу эса фақат Иттифоқ учун эмас, шу билан бирга федерациянинг ҳар бир аҳолида субъекти учун тегишли оқибатларга олиб келади.

Шу ўринда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси марказнинг иқтисодий ролини қандай тасаввур этаётгани ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Ягона иқтисодий майдон табиий равишда умумий пул системаси бўлишини, умуминтифоқ бозорини ҳимоя қилиш учун ягона божхизматини ташкил этишни, ҳом ашёнинг энг муҳим турлари ва бошқа моллар нархини келишиб олишни тақозо этади. Иқтисодий марказ бўлмаса Иттифоқнинг мудофаа қобилиятини сақлаб туриш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш учун иқтисодий шароит яратиш тўғрисида, хом ашё базасини ривожлантириш учун федерал фондларни шакллантириш ҳамда иқтисодий Иттифоқнинг барча аъзолари манфаатларини кўзлаб, ягона илмий-техникавий ва экология сиёсатини ўтказиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Шугина эмас, яна умуминтифоқ валюта фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш, ССР Иттифоқининг халқаро ҳамкамият олдидаги мажбуриятларини бажариши зарурлигини таъкидлаб ўтаман. Ташқи иқтисодий сиёсатнинг стратегияси марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқилмаса, ягона бозор умуман бўлиши мумкин эмас.

Афсуски, сўнгги вақтда ҳар бир жумҳурият (фақат жумҳуриятгина эмас) ўз маҳсулоти билан ташқи бозорга чиқиб, ўз иқтисодий аҳволини осонгина ўнглаб олиши хусусида ҳом хаёлга пайдо бўлди. Биласизларми, ҳозир бизда ҳаво бўшлиғини ўзиники деб эълон қилган районлар, денгиз соҳилида ўз иқтисодий зонасини эълон қилган аҳоли пунктлари бор. Буларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, хавфли янглишишдир, жуда хавфли янглишишдир. Халқаро бозор — жуда нозик соҳа, ундаги талаб, эҳтиёжларни билмай туриб, бозорга бориш сўзсиз равишда ўзини катта нобудгарчиликларга маҳкум этиш демакдир, буни ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина фактлар тасдиқлаб турибди.

Иттифоқда янги иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш юзасидан зўр бериб, қатъият билан ва айни пайтда нозик иш олиб бориш керак. Бозор миллатлараро муносабатларни ўз-ўзидан тартибга солиб қўйишига умид боғлаш мумкин эмас. Аммо бозор муносабатлари халқлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга сўзсиз ёрдамлашишига ва шу билан миллатчиликдан иборат нафсониятни кўзлаш, иқтисодий жиҳатдан яккаланиш ва ажралиш сиёсатининг беҳуда гап эканлигини англаб олишда одамларга ёрдам беради. У ёки бу жумҳурият иттифоқдан қанча узоқлашса, тангликдан шунчалик муваффақият билан чиқади деган фикр чуқур янглишиш бўлиб, у боши берк кўчага олиб боради ва халқларимиз учун жуда қимматга тушиши мумкин.

Ўртоқлар! Партиямиз қайта қуришда ташаббусни қўлдан бермаган, ҳозирги пайтда назорат остидан чиқиб кетаётган ижтимоий жараёнларни зарур ўзанга йўналтириб юборган тақдирдагина мамлакатдаги вазиятни қисқа муддатда барқарорлаштириб, энг кам ижтимоий чиқим билан бозорга ўтиш мумкин бўлади.

Пленумимиздаги баҳслар, у қабул қиладиган қарорлар коммунистларга бозорга ўтиш шароитида ўз ишини партия аъзоларининг ҳозирги авлоди учун мутлақо янги асосларда қайта қуришга ёрдам бериши керак.

Биз ҳаммамиз одамларнинг кўп қисмидаги, аввало коммунистлардаги бозорга ўтиш истиқболи келтириб чиқарган жуда кўп янглишларни, қўрқувни ва хавотирликни бартараф этишимиз лозим.

Биз, коммунистлар жамият биносини қандай пойдевор устига қайта қураётганлигимизни, унда қандай тарзда ўзимизга эканлигимизни ўзимиз тушуниб олишимиз ва буни тушуниб етишда бошқаларга ёрдам беришимиз лозим. Гап янги иқтисодий тафаккурни тарбиялаш ҳақида, ижтимоий онгдаги чинакам инқилоб ҳақида бормоқда. Шунга мувофиқ равишда партия ўқуви ва мустақил ўқишнинг бутун системасини, партиядаги тадқиқот ишини, мафкуравий муассасалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини дарҳол ана шу ишга қаратиш, партия ташкилотларини бозор иқтисодиёти шароитида ишлаш учун кадрларни кенг миқёсда қайта тайёрлашга йўналтириш талаб қилинади.

Партиямизнинг фақат мафкуравий ва тарғибот ишларидагина туб ўзгаришлар бўлиб қолмайди. Биз аслида Советларда, касаба уюшмаларида, меҳнат жамоаларида реал равишда вужудга келаётган кўп партиявийлик шароитида иш олиб бориш санъатини қайтадан эгаллашимиз зарур.

Реал ҳокимиятни давлат идораларига топшириш ташаббускори бўлиб чиқиб, биз уларга мадад беришимиз, Советлар, ҳукумат, бошқа ижроия идоралар билан яқиндан ҳамкорликда ишлашимиз шарт. Ҳар бир партия комитети аниқ шароитда ҳаракат қилар экан, бунда шериклик мулоқоти ва ҳамкорлик шаклларини танлаб олишда эркиндир. Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқидан кенг фойдаланиш, зарур бўлган жойларда амалий оппозиция сифатида фаол рақобатчи бўлиш лозим.

Халқ депутатлари Советларидаги партия гуруҳлари ёки коммунистларнинг фракциялари бу бунёдкорлик ишига катта ҳисса қўшишлари мумкин. Ана шу гуруҳлар ўз вақтида тузилган жойларда улар оёққа мустаҳкам туриб олди, Советларнинг ишига, улар қабул қилаётган қарорларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Ана шундай гуруҳларни тузишни навбатдаги кампанияга айлантирмай, уларни КПСС нинг жамиятдаги етакчи куч ва идора этувчи партия сифатидаги аҳволини таъминлашда шу куннинг асосий вазифаларидан бири деб қарамоқ керак. Парламент фаолияти билан шуғулланишга, кўп партиявийлик шароитида турли ижтимоий-сиёсий кучлар билан баҳс юритишга ва мулоқот олиб боришга қодир бўлган коммунистларнинг кадрлар резервини барпо этиш эҳтиёжи туғилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларнинг, бошқа барча ижтимоий ўзгартишларнинг тақдири кўп жиҳатдан меҳнат жамоаларида ҳал қилинади. Меҳнат жамоалари иқтисодиётнинг асосий бўғини, унинг барқарорлиги ва янгиланишининг кафолатчиси бўлиб қолаверадилар. Сўнгги вақтда меҳнат жамоаларини сиёсатдан холи қилиш, партия комитетларини корхоналардан ташқарига чиқариш масаласи хусусидаги баҳслар турли йўллар билан кучайтирилмоқда. Афсуски, бир қанча жойларда бундай баҳслар шошма-шошарлик билан қилинган ҳаракатга айланди ва партия комитетларининг фаолиятига тўсқинлик қила боғлади. Меҳнат жамоаларини сиёсатдан холи қилиш тарафдорлари кўп партиявийликнинг тан олиниши корхоналарда ҳеч қандай партия бўлмаслигини талаб қилади, акс ҳолда улар ишни олиб боришда маъмуриятга ҳалақит берадилар, деб баҳона кўрсатмоқдалар. Бундай мулоҳазаларнинг риёкорлиги тўғрисида гапирмаганда ҳам шуни айтиш мумкинки, фикрларнинг хилма-хиллиги ҳеч кимга ҳалақит бермайди. Аксинча, маъмурият ҳам, меҳнат жамоаси ҳам кўпгина дастурлар, ғоялар, таклифлар орасидан энг яхшиларини танлаб оладилар. Қайта қуриш ишларини олға силжитиш манфаатларини кўзлаб, меҳнат жамоаларида мустаҳкам жой олган бошланғич партия комитети каби тузилмани вайрон қилмаслик, балки унинг имкониятларидан мумкин қадар тўла фойдаланиш кераклигини энг оддий соғлом фикр ҳам айтиб турибди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда саноат, транспорт, алоқа ва қурилиш корхоналарида юз мингдан ортиқ бошланғич ташкилот, қишлоқ хўжалигида 40 мингдан ортиқ бошланғич ташкилот иш олиб бормоқда. Улар одамларнинг иқтисодий манфаатлари манбаларида турибди, янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш жараёнларининг марказида турибди. Самарали меҳнатга олиб борадиган барча ташаббусларни оммавий равишда қўллаб-қувватлайдиган, омилкорликни ривожлантирадиган кучни шу ердан излаш керак.

КПСС Уставида бошланғич ташкилотларга берилган катта ҳуқуқлар уларнинг ҳар бири ўз сиёсий ҳаракатларида тўла мустақил бўлишига, ташаббускорлик устун бўлишига қаратилган. Партия ташкилотларининг хўжалик раҳбарлари билан муносабатларини соғлом лаштиришга КПСС Уставидан маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи чиқариб юборилганлиги ёрдам беради. Партия ташкилотлари шунга асосланишлари керакки, улар ўзлари билан маслаҳатлашмай қабул қилинган қарорлар учун жавобгар эмаслар, лекин улар ана шундай қарорларни таниқид қилишга, уларнинг бекор қилинишини талаб қилишга, муқобил таклифлар киритишга ҳақлидирлар. Шугина эмас, улар меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, агар инсон ҳуқуқлари ва социалистик қонунийлик бузилаётган бўлса, жамоа камситилаётган бўлса, одамларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари ёмонлашиб бораётган бўлса, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига нисбатан оппозиция ролини бажаришлари шарт.

КПСС янги иқтисодий сиё



• КЎРИК-БАҲС •

ДОРБОЗЛАР БАЙРАМИ

НЕЧА асрлардан буён халқимизнинг каттаю кичик байрам сайилларида, тўй-анжуманларида дорбозлар, полвонлар, қизиқчилар ўзларининг жозибадор томошалари билан давраларга файз киритиб келмоқдалар.

Пойтахтимизнинг Ленин комсомоли номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғида III Бутуниттифоқ халқ ижодиёти анжумани доирасида халқ анъанавий цирки жамоаларининг кўриги бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлари методик маркази ҳамда боғ маъмурияти томонидан уюштирилган мазкур тадбирда жумҳуриятимизнинг бир қатор вилоятларидан келган томоша усталари иштирок этишди.

Булар Андижон вилоятининг Марҳамат ноҳиясидаги Юнусали Ғозиев, Қўқон шаҳар Муқимий номидаги боғнинг Аҳаджон Муродов, бухоролик Жаҳонгир Рамазонов ва Ҳикматулла Бобомуродов, самарқандлик Абдумурод Эргашев ва бошқалар раҳбарлигидаги гуруҳлар бўлиб, ўзларининг ранг-баранг чиқишлари билан дам олувчиларга хуш кайфият бағишладилар.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Эркин Тошкенбоев раислик қилган ҳакамлар ҳайъатига ғолибларни аниқлаш осон кўчмади. Чунки ҳар бир гуруҳ томошасининг ўзига хос томонлари бор эди. Фарғонанинг «Водил чинори» полвонлари ҳамда кўзбойлоғичи Гулчеҳра Мамажонова, полвон Ж. Рамазоновнинг олти ёшли ўғли Жавоҳир билан, «Андижон самоси» ёш акробат дорбозлари, «Қўқон Минори» гуруҳи қизиқчилари ва ёғочоёқ ўйинчиларининг чиқишларини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин.

Бирмунча тортишувлардан сўнг биринчи даражали диплом билан «Қўқон Минори» жамоаси тақдирланди. Иккинчи даражали дипломларнинг бири вилоятимиз Коммунистик ноҳияси Янгибозор шаҳридан келган Т. Болтабоев раҳбарлигидаги, иккинчиси эса «Андижон самоси» халқ цирки жамоаларига насиб қилди.

Полвонлар баҳсида пойтахт вилояти вакиллари, қизиқчилар ўртасида эса қўқонликлар ғолиб деб топилдилар.

Тадбирдан кейин ҳакамлар ҳайъати ва халқ цирки гуруҳларининг бадиий раҳбарлари билан ошкора мулоқот бўлди. Дуч келинаётган муаммоларни бартараф этиш, шарт-шароитни яхшилаш масалалари ўртага ташланиб, чора-тадбир кўриш борасида маслаҳатлашиб олинди.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

● Д. АҲМЕДОВ олган ушбу суратларда кўрик-сайилдан лавҳалар акс этган.





12 ОКТЯБРЬ — ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

12 октябрда СССР Президенти М. С. Горбачевнинг «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳақида»ги Мурожаатномаси муносабати билан ягона сиёсий кун ўтказилади.

Маълумки, мамлакат Олий Кенгаши сессияси бозорга ва хўжалик юритишнинг янги механизмига ўтиш лойиҳаларини муҳокама қилар экан, қуйидагиларни таъкидлади. Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида мустаҳкам меҳнат интизоми, жамоалар ва ҳар бир совет кишисининг конституция нормаларига амал қилиши, белгиланган режаларни рўёбга чиқаришда фаол қатнашуви муваффақиятнинг ягона ва муҳим кафолати бўла олади. Жамоат тартибини барқарорлаштириш давлат интизомини мустаҳкамлаш, қайта қуриш йўлига ғов бўлаётган салбий ҳодисаларга қарши курашишда СССР Президентига қўшимча ваколатлар берилди.

Вилоят партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг вазифаси — мазкур сиёсий кунни ўтказишга вилоят, шаҳар ва ноҳия Советларининг барча сайлаб қўйилган фаолларини, тартибни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, сиёсий маърузачиларни жалб этишдан иборат.

ЖАБРДИЙДАЛАР УЧУН

● Узум, сабзавот ва мевалар ортилган вагонлар Келес станциясидан олис йўлга чиқди. Бу ноз-неъматлар Чернобиль авариясидан сўнг жабрланганларга мўлжалланган.

Тошкент ноҳияси хўжаликлари 232 тонна ширин-шакар мева ва сабзавотларни ортиб жўнатишди. Бу юкнинг ярмидан кўпроғи «Ленин йўли» жамоа хўжалиги далалари ва полизларидан йиғиштириб олинган.

Ноҳия хўжаликлари яқин кунлар ичида шу манзилга яна 470 тонна сабзавотларини ортиб жўнатишни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

«МОРЖЛАР» БАДМИНТОН ЎЙНАГАНДА

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ марказидан оқиб ўтувчи «Анҳор» соҳилида жойлашган «Моржлар» қишки сузиш ва чиниқиш клуби фаолият кўрсатаётганига ҳам ўн йилдан ошди.

Клуб аъзолари ўз кучлари билан бадминтон учун майдончалар ва сузиш ҳавзаси бунёд этдилар, ракеткалар, тўр, тўпчалар сотиб олдилар. Тўққиз йил давомида бадминтон бўйича бир қанча расмий мусобақаларда мунтазам иштирок этиб келган клуб аъзолари Иттифоқ ва жумҳурият совриндорлари қаторидан ўрин олишган. Ҳозирги пайтга келиб Ўзбекистон терма командасининг асосий таркиби «Моржлар» клуби аъзоларидан иборат.

Яқинда Евпатория шаҳрида бадминтон бўйича ветеранлар ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида Наташа Новгоровцева кекса бўлишига қарамай иккинчи ўринни эгаллади. Н. Аршаманов эса учинчи бўлди. «Моржлар» клубининг фаол аъзоси Ф. Доянова якка тартибдаги мусобақаларнинг ғолиби бўлди.

«Саломатлик», «Соғломлаштиришнинг ноанъанавий усули» гуруҳлари ва «Бадминтон» спорт гуруҳи қатнашчилари сузиш, чиниқиш, бадминтон ўйнашдан ташқари ўзлари учун қулай катта ечиниш хоналари, чойхона, сауналарга ҳам эришиш ниятидадирлар. Лекин ҳар галгидек бундай эзгу ишларга масъул раҳбарлар эътиборларини қаратмайдилар. Клуб аъзолари эса ҳомийларга улар томонидан ишлаб чиқариладиган спорт моллари, кийимлари, пойабзалини доимий қатнашаётган Бутуниттифоқ, жумҳурият миқёсидаги мусобақаларда реклама қилиб боришни таклиф қиладилар.

Р. САФАРИЕВ.

БИРИНЧИ ЎЙИН—ДУРАНГ

Нью-Йоркнинг «Гудзон» театри саҳнасида Г. Каспаров ва А. Карпов ўртасида дастлабки партия ўйналди. Томонлар 31-юришда дурангга келишдилар. Жаҳон чемпиони қора доналарда ўйнади. Бундан буён барча тоқ рақамли партияларни экс чемпион А. Карпов оқ доналарда бошлайди.

Учрашувлар ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари ўйналиб, кечиктирилган партиялар эртасига давом эттирилади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МАЖРУҲ ШАҲАР

● КАРОЧИДА зўравонлик ҳаддан ташқари авжга минган, деб ёзади Бомбейда чиқадиган «Индиа тудей» рўзномаси. Бу ерда одамларни ўғирлаш оддий бир воқеликка айланиб қолган. Шаҳар қорадорифурушларнинг асосий бозоридир.

Ҳозир шаҳарликлар қўлида қонунсиз сақланаётган автомат қуролларнинг ўзи 50.000 тага етади... Ҳозирча шаҳарда ҳаёт осойиштадек кўринади, аммо бу шунчаки сароб экани тайин...

«НЕЙРОКОМПЬЮТЕР» БОМБАНИ ТОПАДИ

● ЖОН КЕННЕДИ номидаги Нью-Йорк аэропортида юкларни текширишда «нейротўрли» бомба қидиргичдан фойдаланишади. У чемодандаги ҳар бир буюм хоссасини аниқловчи датчик маълумотларини таҳлил этган ҳолда портловчи моддаларни адашмай топиб беради.

ЧАЙҚОВ БОЗОРИ ВА КУПОНЛАР

● ЭРОНДА озиқ-овқат карточкаларини купонлар деб аташади. Маълумки, қаерда танқислик бўлса, ўша ерда чайқов бозорининг куни туғади. Купонларни исталган растада осонгина пулга алмаштириш мумкин. Аммо дўкондорлар учун купонлар пулдан кўра ҳам заруррақдир: чунки агар полиция карточкалар бўйича сотишга мўлжалланган моллларнинг бир қисми енг ичида «гумдон» қилинганини аниқласа, мазкур дўкон яна мол олишдан маҳрум этилади.

ЁҒОЧ ЎҒРИЛАРИ

● ЛАОС ўрмонлари тропик дарахтларнинг қимматли навларига жуда бой. Айтиш керакки, бу нодир дарахтларни кесиб олиш учун пайт пойлаб юрганлар ҳам оз эмас, уларнинг кўплари Лаосга ҳаттоки қўшни Таиланддан яширинча ўтишади. Яқинда полиция Тямпассак вилоятида 19 нафар ёғоч ўғрисини қўлга туширди. Уларга жами 6 миллион кип (Лаос сўми) миқдорида жарима солинди.

Қимматли ёғочнинг фалокиёт баҳоси одамларни барибир қонунга нисбатан муҳолифликка боришга, ҳаттоки ўз ҳаётларини хавф остида қолдиришга ҳам мажбур этмоқда. Масалан, бир куб. метр қизил дарахт ёғочи 300—500, мармар дарахт ёғочи — 900, темир дарахт ёғочи — 1200 доллар туради (қарағай ёғочининг нархи саккиз баравар арзон).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Чоршанба

10 ОКТЯБРЬ

ЎзТВ I

11.30 Табиат — ҳаёт чашмаси. 12.10 Четга оғиш ноль. Бадиий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Спорт сайли. 18.55 Фанга бағишланган умр. 19.30 Ахборот. 19.45 Ёшлик оқшоми. 20.30 Ахборот. 20.50 Мулоқот. 21.30 «Время». 22.00 Ҳорманг, пахтакорлар. 23.00 Учар йигит. Бадиий фильм.

ЎзТВ II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.00 Тошкент хабарлари. 20.10 Ажойиб ҳаёлпараст. Бадиий фильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 Қуллар. Бадиий фильм. 3-серия.

МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Сўз. 11.05 Христофор Колумб. Бадиий фильм. 3-серия. 12.30 Бу бўлган... бўлганди... 13.00 «Время» 13.40 Фестивалларда. Конкурслар... Концертлар... 16.15 Туш ёки кулги ва кўз ёшлари. Бадиий фильм. 2-серия. 17.20 Концерт 17.55 Болалар соати. 19.00 «Время». 19.30 Вивескани ўзгартириш ёки НЭП. 20.00 Христофор Колумб. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Леннон биз билан. 00.15 ТЯХ.

МТ II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Умумий биология. 12.05 Рус тили. 13.05 Ўғирлик. Бадиий фильм. 2-серия. 14.10 Кўзгу оғушида танҳо. 14.45 Концерт. 15.20 Олтин тўй. Бадиий фильм, 2-серия. 17.30 Бечора Маша. Бадиий фильм. 1-серия. 18.35 Концерт. 19.00 «Время». 19.30 Коллаж. 19.35 Концерт. 19.55 Ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Якутия АССР Давлат телерадиоси. 21.25 Таниқланган шаҳар. 14- ва 15-сериялар. 21.15 СССР Олий Совети сессиясида. 23.15 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 00.15 Концерт. 00.50 Хоккей. «Динамо» (Москва)—«Сокол».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Ҳадра майдони)

12, 13, 14 ОКТЯБРЬ СОАТ 13, 16.00 ДА

«САХОВАТЛИ МИТТИВОЙ» МОСКВА БОЛАЛАР ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛИ

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

ОММАВИЙ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ТАЛАБНОМАЛАРИ БЎЙИЧА НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-04.

Цирк фойесида сураткашлик салони ишлаб турибди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ УЮШМАЛАРАРО МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

бўш лавозимга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бўлим мудирлари: халқ ижодиёти, клуб, библиография: кенг ихтисосли маданий оқартув ишлари услубиётчиси, ҳуқуқшунос, иқтисодчи, тафтишчи-ҳисобчи.

Маданий-оқартув муассасаларида камида уч йиллик амалий меҳнат фаолиятига эга бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли шахслар танловда иштирок этишлари мумкин.

Танлов муддати 29 октябргача.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Я. Колас кўчаси, 7-уй (метронинг «Ҳамид Олимжон» станцияси, 4, 5, 17, 18-троллейбуслар). Телефонлар: 33-51-86, 68-47-34.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

БОЛАЛАР ВЕЛОСИПЕДЛАРИ, МОТОАМОРТИЗАТОРЛАРНИ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН:

токарлар, штампловчилар, газ-электр пайвандчилар, механика-йиғув ишлари чилангарлари, токарлик автоматларини созловчилар, эритиб қуювчилар, фрезерчилар, гальванчилар, термистлар, жило берувчилар, силлиқловчилар, бўёқчилар ,техника назорати бўлими назоратчилари, консерваловчи-жойловчилар.

Ихтисоси бўлмаганлар Серпухов автомобиль заводида (Москва вилояти) 3 ой мобайнида бирорта касб эгаси бўлишлари мумкин. Ўқиш вақтида 100 сўмдан стипендия, яна меҳнатга вақтбай-мукофотли, ишбай-мукофотли ва билвосита-ишбай нарх-наво бўйича қўшимча ҳақ тўланади.

Уй-жойга муҳтож кишиларга уч йилдан кейин уй берилади.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Фазогирлар шоҳкўчаси, 6-уй (Аҳолини ишга жойлаштириш маркази) ва заводнинг мутахассислар бўлимига (телефон 98-47-77).

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси негизидаги

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-АВИАЦИЯ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилган йигитларни қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

РАҚАМЛИ ДАСТУР ВОСИТАСИДА БОШҚАРИЛАДИГАН ДАСТГОҲЛАРНИНГ ОПЕРАТОРИ, ФРЕЗЕРЧИ, УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ ЙИҒУВЧИ — ЧИЛАНГАРИ.

Ўқиш муддати — ойига 75 сўм стипендия тўланган ҳолда 6 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Турар жойга эҳтиёжи бўлган йигитлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади, аълочилар эса мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

директор номига ариза, маълумоти тўғрисида аттестат, паспорт, 4х5, 3х5 см катталикдаги 4 та фото сурат.

Манзилимиз: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (30, 103, 110, 151, 171 — автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номли билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Д. — 1893. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12